



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИБТИДОИЙ ДАВР
ТАСВИРИЙ САЊАТИНИНГ НОДИР ЁДГОРЛИКЛАРИ
мавзусидаги**

Битирув малакавий иши

**Бажарди: “Тарих” таълим йўналиши
битирувчи 4 курс талабаси
Эрназаров Қахрамон Тўракул ўғли**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
т.ф.н. М.Файзуллаева**

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси “ _____ ” _____ 2017 йил

ТЕРМИЗ -2017

ЎЗБЕКИСТОНДА ИБТИДОЙ ДАВР ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИНГ НОДИР ЁДГОРЛИКЛАРИ

Режа

I. Кириш

II. Адабиётлар таҳлили

III. Танланган объектлар ва тадқиқот усуллари

IV. Асосий қисм

4.1. Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий расм санъатининг қоятошларда акс этиши

4.2. Сурхон воҳасидаги Зараутсой - ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги

4.3. Сармишсой қоятош расмлари энг қимматли манба

4.4. Манзараларга бой Ўрта Осиё қоятош расмлари

V. Хулоса

VI. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

VII. Иловалар.

I. Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Сўнгги тош асридаги энг муҳим ўзгаришлардан бири санъатнинг келиб чиқишидирки, бу кишилиқ маданияти тарихида алоҳида ахамиятга эгадир. Бу жиҳатдан Франция, Испания, Италия территориясидаги ва бошқа жойлардаги ғорлардан бўёқ билан чизилган расмларнинг топилиши диққатга сазовордир. Капова ғори, Лена ва Амур бўйлари, Ўрта Осиё тоғлари орасидан ҳам қуйи тош ва мезолит даврига мансуб расмлар топилди. Улар Зараутсой, Хўртакасой, Биттик-чашма ва Сариёз расмларидир. Уларда каркидонлар, мамонтлар, одамлар, от, буқа, ит, тулки, чўчка ва жайронлар, ўқ-ёйлар, тоғ эчкилари ва бошқа нарсаларнинг тасвирлари маҳорат билан ишланган. Бу расмлар уруғчилик тузуми даври кишилири хўжалиқ ҳаётининг баъзи томонларини ўрганишда ва диний тушунчалар билан танишишда биз учун қимматли далилдир.

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Теракисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллариинг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчилиқни ташкил этган.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит (ўрта тош) даври милoddан аввалги 12 минг йилликдан 5 минг йилликкача давом этган бўлиб, ўша вақтда ибтидоий тасвирий санъат бошқа жойлардагига қараганда анча ривожланган. Ғорларда яшаган одамлар қоя тошларга қизил бўёқ билан нақш чизиб ёки ўйиб ёзиб, ажойиб ов манзараларини қолдириб кетганлар. Бундай нодир санъат обидалари Сурхондарёда Зараутсой, Жиззахда Такатош, Бухорода Сармишсой, Қораунгурсой, Тошкент воҳасида Қоразов, Хўжакент, Паркент ҳудудларидан топиб ўрганилганлиги ҳақиқат. Бу Ўзбекистон халқларининг ибтидоий жамият тарихини ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжатдир.

Бебаҳо суратларнинг бирин-кетин йўқ бўлиб кетаётганлигига, аввало, “ёввойи” сайёҳлар сабаб бўлмоқда. Улар расмлар юзасига тош ва металл буюмлар билан чизиб ўз “дастхат”ларини қолдирмоқдалар. Расмлар ноқулай об-ҳаво шароитларидан ҳам зиён кўрмоқдалар. Неча минг йиллардан буён сақланиб келган Ўзбекистонда ибтидоий давр тасвирий санъатининг нодир ёдгорликларининг кўз ўнгимизда йўқолиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Тан олиш керак, жамоатчилик Ўзбекистонда ибтидоий давр тасвирий санъатининг нодир ёдгорликларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва уни асраб қолиш йўллари излаб муайян ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, кейинги ўн йил ичида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди. Матбуотда мақолалар чоп этилаётир, телекўрсатувлар тайёрланмоқда. Жамоатчилик марказлари тузилмоқда. Уларнинг амалий фаолияти яқин қишлоқларда яшайдиган аҳоли ўртасида турли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишга, ёдгорликларни сақлаб қолиш ишларига уларни жалб этишга қаратилган.

2006 йил 17-18 июл кунлари Ўзбекистоннинг жаҳон аҳамиятига молик қоятош санъати ёдгорликлари билан танишиш, уларнинг сақланиш ҳолатини кўриш ҳамда ЮНЕСКО рўйхатига киритиш масалаларига тайёргарлик кўриш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган ЮНЕСКО вакиллари жамоатчилик Марказида бўлдилар. ЮНЕСКО вакиллари ташрифидан сўнг марказ ишида ижобий силжишлар рўй берди. ЮНЕСКО хужжатларида ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш амалиётига жамоатчиликнинг жалб қилиниши ва маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ушбу дастур Ўзбекистонда ибтидоий давр тасвирий санъатининг нодир ёдгорликларининг умумжаҳоний мерос сифатидаги аҳамиятини тушунтиришга қаратилган. У ёдгорликларнинг тарихи бўйича илмий маълумотларни, ёдгорликларни зиёрат қилиш қоидаларини ўз ичига олади, шунингдек, маҳаллий аҳолини сайёҳлар, зиёратчилар ва бошқалар учун ёдгорликлар ҳақида тушунтириш бера оладиган гидлар сифатида ўқитиш вазифаларини назарда тутди.

Мана шу масалаларни ёритиш, Ўзбекистонда ибтидоий давр тасвирий санъатининг нодир ёдгорликларининг мақомини алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд даражасигача кўтариш, нодир ранг тасвирларни сақлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш йўлидаги миллий ва халқаро даражада бажариладиган хайрли юмушларни бажариш масалаларига тўхталиш мазкур БМ ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари.

Истиклол шарофати билан миллий урф-одатларимиз, муқаддас қадриятларимиз, динимиз қайта бўй кўрсатди. Тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бой маънавий меросларимизни асраб-авайлашга юксак эътибор қаратилиб, миллий давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганишни ёшлар онгига сингдириш борасида самарали ишлар олиб борилди.

Аждодларимизнинг аслида ким ва нималарга қодир бўлганлигини ёш авлодга аниқ манбалар асосида тушунтириш, уларни аждодларга муносиб ворислар этиб тарбиялаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш мазкур Битирув Малакавий ишнинг мақсади ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий расм санъатининг қоятошларда акс этишини тушунтириш;
- Зараутсой ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги эканлигини таҳлил қилиш;
- Сармишсой қоятош расмлари энг қимматли манба эканлигини ёритиш
- Ўрта Осиё қоятош расмларининг аҳамиятини ёшларга сингдириш.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Ўзбекистоннинг тоғлиқ ҳудудларида мавжуд бўлган қоятош расмларни топиш ва тадқиқ қилишда Я.Ғ.Ғуломов, А.Кабиров, В.А.Оськин М.Хўжаназаров, А.Н.Холматовларнинг хизматлари катта. Ўзбекистонда қоятош расмларининг энг ноёб намуналарига мутахассислар хулосаларига

кўра Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Тераклизой, Жарсой, Тутлизой, Қоронғи-унгирсой, Чадансой, Шўрабулоқсой, Карақиясой, Хўжақентсой ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу жойлардаги қоятошларда Ўзбекистонимизнинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот оламини акс эттирувчи ажойиб расмларни кўришимиз мумкин. Уларда ибтидоий буқалар, одамлар, узун қилич, ханжар, ўқ-ёй, ўқдон, дубулға, қопкон, арқон, қалқон, ниқоб каби тасвирлар кўплаб учраши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда ибтидоий давр тасвирий санъатининг нодир ёдгорликларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва уни асраб қолиш йўлларини излаб муайян ишларни амалга оширишда, матбуотда мақолалар чоп этишда, телекўрсатувлар тайёрлашда, жамоатчилик марказлари тузишда, яқин қишлоқларда яшайдиган аҳоли ўртасида турли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда, тасвирий санъат ёдгорликларини сақлаб қолиш ишларига уларни жалб этишда ушбу БМ ишининг аҳамияти жуда каттадир.

Мана шулардан келиб чиқиб мавзунинг моҳиятини ва мазмунини очиб беришга муваффақ бўлиш, илмий асосда масалага ёндошиб, яхлит бир ишни яратиш ишнинг илмий янгилиги ҳисобланса, ушбу тадқиқот ишидан мактабларда, коллеж ва лицейларда ҳамда олий ўқув юртларида ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, ёт бузғунчи ғояларга қарши кураш олиб борадиган кадрлар бўлиб етиштириларида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти.

Олий ўқув юртларининг тарих факультетларида таълим олаётган талабалар бўлажак мактаб ўқитувчилари бўлиб, ўз ўлкалари тарихи бўйича кенг билимларга эга бўлишлари, моддий ва маданий ёдгорликларни, археологик обидаларни пухта билишлари керак.

Кейинги вақтларда Ўрта Осиёдаги кўп археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш тобора кескин муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун бўлажак тарих ўқитувчилари ўлканинг Зараутсой, Соймалитош, Биронсой, Сармишсой каби қоятош ёдгорликларига «биринчи ёрдам» кўрсата

билишлари лозим. Бунинг учун улар аҳоли орасида ёдгорликлар аҳамиятини мунтазам равишда тушунтириб боришлари ва зарур бўлганда ёдгорликларни сақлаш ҳақидаги қонунларни татбиқ қила билишлари керак.

Аждодларимизнинг турмуш тарзини, маданиятини, санъатини, ҳатто урф-одатларини умуман, биз учун жуда аҳамиятли маълумотлар берувчи ёдгорликларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, қояларда ёввойи ҳайвонлардан айиқ, буғу, тоғ эчкиси, архарларнинг овланиши билан боғлиқ бўлган ўзига хос, ажойиб манзаралар юксак маҳорат билан ифодаланган.

Ўзбекистон ҳудудида шу кунгача аниқланган 150 га яқин қоятош суратлари орасида энг қадимгилари Сармишсой ва Зараутсой қоятош тасвирлари ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги замон талаби асосида қоятош суратларини қайта ўрганиш вақти келди. Негаки ҳозирги кунда энг сезгирли, ниҳоятда кучли электрон фото аппаратлар пайдо булди. Ёритгичлар ёрдамида суратларни қайта фото расмларга олиш, илгари номаълум бўлган янги расмларни кашф қилиш имконини беради.

Чунки улар мазмун ва манзараларнинг бойлиги, ишланиш услубининг хилма-хиллиги ва қадимийлиги жиҳатидан илк ўринларни эгаллайди.

Қоятошларга ишланган тасвирлар археологик ёдгорликларнинг бир тури сифатида аждодларимиз маданияти тарихини ўрганишда жуда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Қоятош расмлари ўрганилар экан, уларнинг мазмуни ва манзаралар маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг ҳўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг вужудга келиши, унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Айни вақтда расмлар воситаси билан у давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуроллари қандай эканлигини билиб олиш мумкин. Шунингдек

қоятош расмлари қадимги ота-боболаримизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда ҳам жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Шуниси аҳамиятлики, қоятош расмлари ўзига хос санъат асари ҳамдир, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги кишиларнинг санъати, эстетик истеъдоди қандай бўлганлигини ҳам билиб оламиз.

Айни вақтда қоятош тасвирлари Ўрта Осиёнинг ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда зоолог ва палеозоологларга катта имкониятлар очиб бериши мумкин.

Шундай қилиб, қоятош расмлари ўтмишнинг ўчиб кетган саҳифаларини ўрганишда тарихчи, этнограф, санъатшунос, палеозоолог ва бошқа фан намояндалари учун қимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қоятош ёдгорликларини қидириб топиш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу ёдгорликлар Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим масалаларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг тузилиши: Иш кириш, адабиётлар таҳлили, танланган объектлар ва тадқиқот усуллари, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар ва иловалардан иборатдир.

II. Адабиётлар таҳлили

Ушбу масалага бағишлаб илмий мақолалар чоп этилган, рисола ва китоблар ёзилган. Битирув малакавий ишни тайёрлашда, кенг қамровли манба ва адабиётлардан фойдаланилди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг давлатимиз тараққиётининг асосий йўналишлари юзасидан сўзлаган нутқларига таянилди. Айниқса, И.А.Каримовнинг Ўзбекистон буюк келажак сари. (Т., 1999 й.), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ.” (Т., Шарқ. 1998 й.), “Юксак маънавият енгилмас куч.” (Т., 2008 й.), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.” (“Ўзбекистон”Т., 2011 й.) каби асарларидан фойдаланган ҳолда ёзилган БМ иши ўзининг мазмуни, моҳияти ва таркиби жиҳатидан янги иш бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Ж.Кабировнинг “Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар” (Тошкент, 1976.), “Древнейшая наскальная живопись Зараутсая” (Новосибирск, 1976.), “Ўрта Осиё археологияси” (Т. 1999.) каби мақола ва ўқув қўлланмаларидан, бундан ташқари, А.Рогинскаянинг “Зараутсай” (М.—Л., 1950), Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпел каби олимларнинг “Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана” (Т., 1960) ҳамда А.А.Формозовнинг “Очерки по первобытному искусству” (М., 1969), А.Холмирзаевнинг “Зараутсой тилсимлари” (Т. 2003) каби асарлари жуда кенг ёрдам берди. Турсунов С.Н. ва бошқалар муаллифлигида ёзилган Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. (Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. -324 б.) ва худди шу муаллиф томонидан ёзилган Шеробод тарихидан лавҳалар. (Т.: “Yangi nashr”, 2014. 356 бет.) монографиялари ҳам жуда асқотди. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг С, Х, Т ҳарфларидан фойдаланилди ҳамда мақолаларга ҳам мурожаат қилинди. Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида мавзуга доир кўпгина манбалар ва адабиётлар билан танишиб чиқиш жараёни билан бирга оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланилди.

III. Танланган объектлар ва тадқиқот усуллари

Санъат ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб ибтидоий жамият тарихининг тонгида эмас, балки анча кейинроқ вужудга келган, деган фикр кенг тарқалган. Лекин ибтидоий санъатнинг келиб чиқиши масаласи ҳақида олимлар орасида кучли тортишувлар мавжуддир. Олимларнинг бир гуруҳи санъатни динга, афсунгарликка ва тотемизмга боғлайдилар. Олимларнинг бошқа бир гуруҳи «санъат учун» деган мантиқсиз назарияга ёпишиб олиб, санъатни кишилик жамияти ҳаётидан ажратиб қўйишга уринадилар.

Кейинги вақтда ер куррасининг турли жойларидан кишиликнинг ибтидоий даврига мансуб бўлган кўпгина санъат обидалари топилди. Илғор фикрли олимлар ибтидоий санъатнинг барча турлари ўз моҳияти ва мазмуни билан шак-шубҳасиз инсоннинг меҳнат фаолияти билан унинг изчил тафаккури, кайфияти ва фикр-мулоҳазаси билан боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Ибтидоий санъатнинг вужудга келишини ўзига хос шарт-шароити бўлиб, ибтидоий кишиларнинг онги маълум даражага ета бошлагач вужудга кела бошлаган. Ибтидоий санъат тўсатдан, бирданига вужудга келмаган албатта. У меҳнат жараёнида вужудга келди ва ривожланиб камол топди. Миллион, неча юз минг йиллар давомида ибтидоий инсоннинг онги тафаккури меҳнатда бўлгани муносабати билан малакаси ривож топди ва ўзгарди. Бу ҳол ўз-ўзидан ибтидоий санъатнинг вужудга келиши учун замин ҳозирлаган эди. Санъатнинг вужудга келиши кишилик маданияти тарихида олға ташлаган катта қадам эди. Маънавий маданият, унинг бир тури ҳисобланган санъат кишилик жамиятнинг анча кейинги босқичида уруғчилик тузумида шакллана бошлаган. Чунки бу вақтга келиб одамлар тафаккур, тил, атрофни билиш, нарсаларни фарқлаш, қурол ишлаш, уй-рўзғор буюмларини тайёрлашда маълум даражада муваффақиятларга эришдилар. Ибтидоий санъат ҳозирги замон кишисига оддий кўринади. Лекин ибтидоий инсон томонидан яратилган илк санъат кўп қиррали бўлиб, тош, лойдан ишланган ҳайкалчалар, оҳра билан чизилган расмлар, тошга, суякка ва бошқа

буюмларга, ўйиб чизилган хилма-хил расмлар ибтидоий санъатнинг энг дастлабки намуналари ҳисобланади. Бу жиҳатдан қора, қизил, сариқ, яшил бўёқлар билан чизилган мамонт, ёввойи от, арслон, фил, буғу, ёввойи эчки, каркидон ёввойи сигир, буқа тўнғиз каби бошқа ёввойи ҳайвон ва нарсаларнинг тасвирлари айниқса диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг тоғлик ҳудудларида мавжуд бўлган қоятош расмларни топиш ва тадқиқ қилишда Я.Ғ.Ғуломов, А.Кабиров, В.А.Оськин М.Хўжаназаров, А.Н.Холматовларнинг хизматлари катта. Ўзбекистонда қоятош расмларининг энг ноёб намуналарига мутахассислар ҳулосаларига кўра Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Тераклизой, Жарсой, Тутлизой, Қоронғи-унгирсой, Чадансой, Шўрабулоқсой, Карақиясой, Хўжакентсой ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу жойлардаги қоятошларда Ўзбекистонимизнинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот оламини акс эттирувчи ажойиб расмларни кўришимиз мумкин. Уларда ибтидоий буқалар, одамлар, узун қилич, ханжар, ўқ-ёй, ўқдон, дубулға, қопкон, арқон, қалқон, ниқоб каби тасвирлар кўплаб учраши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистондаги Зараутсой, Сармишсой қоятош тасвирлари тош асрининг сўнгги босқичларида, айниқса мезолит (ўрта тош асри) даврида ишланган ибтидоий тасвирий санъатнинг Алтамира, Уч бародар, Пинедел, Сахро Кабир, Капова ғори, Лена, Енисей, Об, Амур, Аляска, Сахалин, Муғулистон, Тожикистондаги Биттик чашма, Қирғизистондаги Сарижаз ва ер юзининг турли жойларидан топилган бошқа намуналардан қолишмайди ва ўзининг жозибадорлиги билан айниқса диққатга сазовордир. Бу ҳол кейинги давр тасвирий санъати учун дастлабки пойдевор тоши ҳисобланади. Мана шуларни ёритиш тадқиқот объектини белгилайди.

Мавзуни манбалар, илмий адабиётлар, монографиялар, оммавий ахборот воситаларида чиққан мақолалар асосида ўрганиш тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади. Мавзу И.А.Каримовнинг нутқлари, асарларига таянган ҳолда ҳолисона ёритилди.

4.1. Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий расм санъатининг қоятошларда акс этиши

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиёти тарихидаги энг биринчи ва узоқ давом этган босқичлардан ҳисобланади. Бу босқични ҳамма халқ ва элатлар ўз бошидан кечирдилар. Ана шу узоқ давом этган тараққиёт жараёнида ҳозирги замон одами типи пайдо булди, одамлар жамоаси юзага келди. Ишлаб чиқариш кучларининг заифлиги одамларни коллектив булиб яшаш ва меҳнат килишга даъват этди. Улар қудрат бирликда эканлигини, ҳаётининг илк босқичидаёқ сездилар. Бу қудрат уларни табиат сирларини урганишга бошлади. Маданият ва санъат равнақига замин яратди.

Ибтидоий жамоа тузумидан бизгача ашёвий далиллар — меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжомлари ва безак буюмлари, одамлар яшаган манзилгоҳлар қолдиқлари етиб келган. Шулар ибтидоий жамоа кишисининг эстетик ва диний қарашларини билишга, ибтидоий жамоанинг маданияти ҳақида тасаввур ҳосил килишга ёрдам беради. Тупроқ остида қолиб кетган моддий ёдгорликлар, одам ва ҳайвонлар жасадининг қолдиқлари, ғор ва ертула деворларига чизилган сурат ва бўртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Санъат қачон ва қандай пайдо бўлган? Санъат қадим-қадимда кишиларнинг меҳнати жараёнида юзага келди ва ривожланди. Инсон маданияти тараққиёт оламига қадам қўйди. Санъатнинг юзага келиши инсоннинг объектив воқеълик тўғрисидаги билимларининг чуқурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан баҳраманд бўлишга олиб келди. Бу уни табиат кучларига қарши курашишга даъват этди, унинг ақлий камолоти, эстетик қарашлари ривожини жадаллаштирди. Археологияда ибтидоий жамоа тузуми тарихи қурол ясаш учун ишлатиладиган материалларга қараб, уч асосий босқичга ажралади:

1. Тош асри — эраиздан аввалги 3 минг йилликкача бўлган давр.

2. Мис ва бронза асри — эрамиздан аввалги 3-2 минг йиллик.

3. Темир асри – эрамиздан аввалги 1 минг йиллик.

Ҳайкалтарошликда ҳайвонлар тасвирини ясаш кенг ўринни эгаллайди. Одам тасвири, айниқса, аёллар ҳайкали палеолит даврида кенг учрайди. Ғарбий Европадан (Австрия) топилган “Виллендорф Венераси” деб номланган ҳайкал машҳурдир. Ҳайкал ҳажм жиҳатидан катта эмас, (баландлиги 0,06 м) лекин кўриниши жиҳатидан монументал. Ҳайкалда ортиқча деталлар йўқ. Ички куч-қудратга тўла ҳайкалда бош қисми бир оз белгиланган, юз деярли ишланмаган, паст томонида тугаллик йўқ, лекин шунга қарамасдан, ҳайкал ўзининг тўлақонлиги, ички кучга тўлаллиги билан яхши таассурот қолдиради.

Мезолит ёки ўрта тош асрида одамлар катта бўлмаган тўдага ажралган ҳолда яшай бошлашлари уларга бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиб ўтиш, катта ер майдонларидан фойдаланиш имкониятини берди. Қуролларнинг (меҳнат ва ов кураллари) ихчам, қулай бўлишига эътибор кучайди. Ўк-ёй, камон, қайиқларнинг ихтиро қилиниши ибтидоий жамоа кишисининг ҳаёти янада яхшиланишини таъминлади. Одамлар ёғоч, қамишдан фойдаланиб, ўзларига керакли буюмлар ясай бошладилар.

Шарқий Испания, Кавказ, Ўрта Осиёдан топилган суратлар диққатга сазовордир. “Кийикларни овлаш” (Испания) суратларида образлар шартли (камон отаётган овчиларда бу шартлилик яққол сезилади), схематик, ўта соддалаштирилган ҳолда тасвирланган. Лекин бу шартлилик расом айтмоқчи бўлган фикрни тушунишга ҳалақит бермайди. Ов манзарасидаги ҳолат кийикларнинг жон талвасада қочиши, овчиларнинг эпчиллик билан олиб бораётган ҳужумлари ов пайтидаги шижоат, ҳаяжон ибтидоий жамоа расоми томонидан ифодали талқин этилган.

Ўрта Осиё (Сурхондарё, Фарғона), Озарбайжон (Кобистон) дан топилган суратларда ҳам шу ҳолни кўрамиз. Зараутсой (Сурхондарё), Сеймалитош (Фарғона) суратлари машҳурдир. Бу суратларда овчиларининг

хайвонларга ҳужуми акс эттирилган. Зараутсойдаги ниқоб кийиб, ўлжасига яқинлашаётган овчиларни акс эттирган сурат ўтмиш ҳаётининг маънавий дунёсини билишга хизмат килади¹.

Кулолчилик ва бошқа буюмларни нақш билан безаш кенг тус олди. Параллел, спиралсимон ва тўлқинсимон чизиклар, концентрик айланалар шу даврдаги кўпгина нақшларнинг асосини ташкил этади. Геометрик нақшлар аста-секин хайвон ва ўсимликлар дунёсидан олинган шакллар билан бойитилиб, мазмунан кенгайиб борди. Унинг элементлари коинот кучларининг рамзий белгиларини акс эттира борди. Масалан, розетка-куёш рамзи, тўлқинсимон чизик-харакат- сув рамзи ва ҳоказо. Бронза асри эрамиздан аввалги 3 минг йиллик ўрталарида бўлиб, одамлар мисни қалай, кўргошин, рух ёки сурма билан эритиб, бронза тайёрлашни урганиб олдилар.

Бронза қуруллар, яроғ-аслаха, зебу зийнат яшаш учун асосий материал бўлиб қолди. Ер юзида бронза асри бошланди. Бронза асрини деярли ҳамма халқ ва элатлар бошидан кечирди. Лекин бу аср баъзи халқларда (масалан, Эрон, Месопотамия, Кавказ, Ўрта Осиё) бир мунча эрта, эрамиздан аввалги 3 мингинчи йиллар ўрталарида бошланган бўлса, бошқа ерларда (масалан, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Кипр ва Кримда) эрамиздан аввалги 3 ва 2 мингинчи йиллар чегарасида, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Европада эрамиздан аввалги 2 мингинчи йилларда содир бўлди.

Бронзанинг ихтиро этилиши инсон тафаккурининг муҳим ғалабаси эди. Бу ихтиро ижтимоий ҳаёт тараққиётини янада тезлаштирди, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирди, меҳнат унумдорлигини ошириб, қўшимча маҳсулот тўпланишини таъминладики, бу ўз навбатида инсон маънавий оламининг ўзгариши ва бойишига олиб келди.

¹ Халқ педагогикаси. «Зараутсой-98» халқаро симпозиумининг маърузалари тўплами. – Тошкент, 1998. – 203 б.

Ўрта Осиё ерларида бронза асри эрамиздан аввалги 3 минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Бу ерларда Фарғонадан топилган билакузукларда қўй ва шер тасвири, айниқса, таъсирли чиққан. Бронза асрида Ўрта Осиёда кулолчилик янада ривожланди. Кулолчилик дастгоҳларининг юзага келиши эса, сўзсиз, яратилган буюмларнинг янада нафис ва гўзал бўлишини таъминлади. Чустдан топилган қизил фонга қора бўёқлар билан расм ва нақшлар ишланган сопол буюмлар диққатга сазовордир.

Ибтидоий жамоа тузимининг сўнгги босқичи бўлган темир асри, “ҳарбий демократия” инсоният маънавий дунёсининг мураккаблашиши, ижтимоий ҳаётда уруш, талон-тароғликнинг кучайиши ва жамоада ҳарбий раҳбарларнинг роли ортиши билан характерланади. Ижтимоий ҳаётга кириб келган темир, тош ва қисман бронза буюмларни ҳаётдан сиқиб чиқарди. Ўз хусусияти жиҳатидан мустаҳкам бўлган бу металл ишлаб чиқариш кучларининг ортиши ва меҳнат унумдорлигини кучайишига самарали таъсир қилди, айниқса, деҳқончилик имкониятларини кенгайтирди.

Темир асрида ҳам амалий-декоратив санъат етакчи ўринни эгаллади. Кулолчилик техникасининг мураккаблашиши, кулолчилик учун дастгоҳларнинг кенг кўламда ишлатилиши унинг сифатини ўзгартирди, янги тур ва формаларни юзага келтирди. Безаш ишларида геометрик нақшлардан ташқари, сюжетли композициялардан фойдаланиш тенденциялари ривожланди.

Қоятош расмлари - ғорлар (девор ва шиплари), қоятошлар ва алоҳида тошларга ишланган қадимий тасвирлардир. Расмлар ишланиш хусусиятларига кўра 2 гуруҳга бўлинади: тош, темир, пўлат ёки бошқа қаттиқ буюм билан уриб чўкичлаш, чизиш, тирнаш, ишқалаш йўли билан яратилган расмлар (улар фанда петроглифлар деб аталади) ҳамда табиий бўёқ — охра ва б. билан чизиб ишланган оқ, қора, сариқ, кўк, қизил, жигарранг расмлар. Рангли расмларнинг ишланиш усули у қадар мураккаб эмас; лекин петрог-

лифларнинг ишланиши анча мураккаб. Қ.р. ишланиш услубига кўра хилма-хилдир: соя, оддий чизиклар, тархли, нақшдор безакли ва б. услуб хусусиятларига эга. Қ.р. дунёнинг барча жойларида маълум бўлиб, палеолитдан то ўрта асрларгача бўлган даврда яратилган. Африка (Сахрои Кабир ва жан. тоғларда), Америка (Аляска, Анд ва б. тоғлар), Европа ва Австралиянинг тоғлиқ ҳудудларида кўп учрайди; Россия (Амур, Лена, Енисей, Об, Иртиш, Байкал кўли соҳиллари), Қозоғистон, Ўрта Осиё (Қоратоғ, Бўкантоғ, Томдитоғ, Тяньшан. Помир, Нурота ва б.)дан топилган петроглиф Қ.р. диққатга сазовор. Франция, испания, Италия, Ҳиндистон, Россия (Лена, Амур, Байкал кўли соҳиллари, Урал, Доғистон), Ўзбекистон (мас, *Зараутсой расмлари*, Сангжумон, Оқсоқолотасой расмлари) да рангли Қ.р. топиб ўргаирилган. Аввало санъат обидаси сифатида санъат тарихини ўрганишда, археологик ва тарихий манба сифатида ибтидоий ва қад.қабилаларнинг ижтимоий ҳаёти ва руҳий оламини ўрганишда катта аҳамиятга эга².

Суратлисой расмлари – Олай тоғларининг шим. ён бағридаги Суратлисой (Фарғона вилояти) қоятошларига ўйиб ишланган расмлар. 1939 й.да археолог М. Воронец ва Т. Оболдуевалар томонидан топилган. М. Воронец, А. Кабиров, М. Хўжаназаров ва б. томонидан ўрганилган. 500 дан ортиқ расмлар энеолит даври (мил. ав. 4—3минг йиллик), мил. ав. 7—2-а.ларга мансуб бўлиб (кейинги даврларда ишланганлари ҳам бор), тош, жез ва темир билан (уриб, чўкичлаб) ҳандасий, контур, соя (шарпа), оддий чизик услубида ишланган. С.р.да ёввойи ғайвонларни овлаш, қад. чорвадор ва овчи қабилаларнинг хўжалик ҳаёти, диний маросимларнинг ижроси ҳақидаги турли манзаралар тасвирланган. Одамлар, ҳайвонлар (сигир, буқа ва б.), турли буюмлар ва б. Тасвири ўзига хос акс эттирилган. С.р. ибтидоий, қад.

² Кабиров Ж., Сармишсойнинг қоятош расмлари. Т., 1976; Хўжаназаров М., Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся, Самарқанд, 1995.

ҳамда илк ўрта асрлар санъатининг ўзига хос намунаси, шунингдек, муҳим тарихий маълумотлар манбаи сифатида қимматлидир³.

Такалисой ғори — мустье даврига оид ғор (мил. ав. 40—30минг йиллик). Самарқанддан 50 км жан.шарқда, Тахтақорача довонида жойлашган. Археолог Д.Н.Лев текширган (1951). Т.ғ.нинг уз. 25 м, кириш қисмининг бал. 2 м. Кираверишда 9 м² майдончанинг қора тупроқли лой қатлами орасидан (25—40 см чуқурликда) суяк парчалари, кўмир қолдиғи, 3 дона узунчоқ оқ тош парракчаси ва бир қанча тош синиклари топилган⁴.

Такатош расмлари – Молгузар тоғининг шим. ён бағридаги Такатош дара қоятошларига ўйиб ишланган тасвирлар. 1956 й.да А. Муҳаммаджонов томонидан топилган; 1970—71 й.ларда археолог А. Кабиров томонидан ўрганилган. 1000 дан ортиқ расмлар жез даврининг сўнгги даври (2минг йиллик 2ярми — 1минг йилликнинг боши)га мансуб (кейинги даврларда ишланганлари ҳам бор), тош, жез ва темир буюмлар билан уриб, схематик, контур, соя услубида безакли қилиб ўзигахос ишланган. Т.р.да қуролланган кишиларнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилиши, диний маросимлар ижроси ҳақида турли манзаралар, кўплаб одамлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, турли буюмлар тасвирланган. Т.р. ибтидоий ва қад. Санъатнинг нодир намунаси, шунингдек, муҳим маданий ва тарихий манба сифатида қимматлидир⁵.

Хўжакент макони - мустье даври ғорлари. Ҳоз. Хўжакентқишлоғи (Тошкент вилояти) яқинидаги қоятошлар орасидан топилган (1957). Бир-бирига ёндош 2 та унғурдан иборат. 1унғурдан 36 м² майдон очилиб, унинг1—2қатламларидан илк ўрта асрларга оид сопол идишларнинг синиклари ва бир неча тош қуроллар, 3қуйи қатламидан эса, мустье даврига оид сариқ харсанг тош бўлаклари ва кўпгина тош қуроллар топилган. 10 дан ортиқ йирик тош, шунингдек, майда нуклеуслар учрайди. Х.м.дан тош

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. С –ҳарфи. – Б. 743

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. т –ҳарфи. – Б. 53

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. т –ҳарфи. – Б. 53

парракча, қирғич, ўчоқ ўрни, унинг атрофида қорайган тошларва қад. ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, 2ун гурдан эса ҳар хил тош қуроқлар ва ҳайвон суяклари топилган. Х.м.да яшаган неандерталлар овчилик ва теримчилик билан кун кечирганлар.

Хўжакент расмлари – Чатқол тоғ тизмасининг ғарбий ён бағридаги қоятошларга ишланган расмлар. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудуда. 1949—50 й.ларда археолог Х. Алписбоев топган, А. Кабиров (70-й.лар), М. Хўжаназаров (80-й.лар) томонидан ўрганилган. Бу ноёб қоятош ёдгорлига ўзининг мазмуни, мавзуси, услуб хусусиятлари ва тузилиши жихатидан ранг барангдир. Уларнинг ишланиш техникаси, услуби, сақланиши ҳамда жойланиши, шунингдек раем сиртининг куйиш даражаси, баъзи расмларнинг устига бошқа расмларнинг ишланганлигига кўра, улар бир вақтда эмас, балки бир неча тарихий давр мобайнида вужудга келганлиги аниқланди. Демак, Х.р.нинг энг қад. мил. ав. 4—3минг йилликка мансуб, мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми ва милод бошларига тааллуқли расмлар ҳам мавжуд. Х.р.да одам, ит, хўкиз, архар, тоғ эчкиси, кийик, от, ўқёй, ҳандасий шакл ва б. тасвирланган бўлиб, улар каттиқ буюм (тош, темир) билан соя, оддий чизиклар, шакл кўриниши услубида уриб чўкичлаб ишланган; расмлар орасида бошеиз ва қўлсиз қилиб ишланган уч аёл тасвири реалистик тарзда нозик ишланган. Қад. санъатда аёллар тасвирива ҳайкалчалари жуда кам учрайди. Неолит ва энеолит даврига оид археологик ёдгорликларнинг кўпчилигидан аёлларҳайкалчалари топилган, лекин шу даврга оид қоятош расмларида аёл тасвирланган ёдгорлик деярли учрамайди. Шу сабабли Хўжакентдан топилган уч аёл тасвири Марказий Осиёда неолит ва энеолит даври учун ягона ва жуда нодир ҳамда қимматлидир. Расмларнинг аксарияти яхши сақланган, айрим расмларгина табиат ҳодисалари оқибатида емирилган, синиб тушган ва ёрилган. Х.р. археологик ёдгорлик, қад. халқ ҳаётининг баъзи томонларини ҳамда шу жойларнинг ҳайвонот олами

тарихини ўрганишда тарихий манба ва ибтидоий одамларнинг тасвирий санъати сифатида муҳим аҳамиятга эга⁶.

Зараутсой расмлари - Инсонлар мўъжизакор табиатдаги осори-атиқаларнинг расмини чизиш учун табиий тайёр ғорлардан, қоялардан фойдаланганлар, ана шундай моддий маданият манзилгоҳлардан бири Зараутсой бўлди. Ўзбекистон ҳудудининг Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбидаги Кўхитанг тоғининг ён бағрида жойлашган дарадаги унгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари бўлмиш маданият масканидир. Қадимий аجدодлар яратиб қолдирган бу моддий маданият осори-атиқаларни ўз бағрида минг йиллардан буён асраб келаётган маскан Зараут, Зараутсой ва Зарауткамар номлари билан юритилади. Зараут - қишлоқнинг номи, турли булоқ сувларидан йиғилиб пайдо бўлган ва Зараут қишлоғи ичидан оқаётган сойни Зараутсой дейдилар. Зараутсой оқиб-оқиб Қизилолма сойга қўшилади, ана шу икки сой қўшилиб Қорабоғсойга, ундан ўтиб Майдонсойга ва ниҳоят Лойлиқсойга бирлашиб, Туркондарё (Шерободдарё)га қуйилади, у эса йўлини Амударёгача давом эттиради⁷.

Шеробод тумани Қизилолма (бу қишлоқ ҳам бир пайтлар Зараут деб аталган) ва Зараут қишлоғи яқинидаги Зараутсой бўйида тошга қизил кесак (бўёқ) билан солинган суратлар топилган ва бу тасвирий санъат ёдгорликлари мезолит даврига оиддир. Унда чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ-ёй кўтарган овчилар, ит ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан бирга тасвирланган. Афтидан, қадимги овчилар ов қилиниши лозим бўлган ҳайвонларни чўчитмаслик учун орқаларига дум боғлаб, чодир ёпиниб олган бўлсалар ажаб эмас. Бу дара Сурхондарёнинг ўтиш ва бориш энг қийин, энг мушкул бўлган Кўхитанг тоғлари этакларида жойлашган бўлиб, қадимги санъатнинг ажойиб ҳамда ноёб ёдгорликларидандир. Шундай қалтис жойни,

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. X –ҳарфи. – Б.300-301

⁷ .Муртазов Б. Зараутнинг зари бор...”//Сурхон тонги.2004 й. 17 октябрь.

чиқиш қийин дара тепасидаги ғорни зараутлик Рауф исмли ўн яшар бола кўй боқиб юрганида тасодиф кашф этади. Бу 1939 йилнинг баҳори эди, бир ойлар чамаси ўтгач, топилма ҳақида хонадон аъзолари оиланинг қадрдон дўсти бўлиб қолган Иван Фёдорович Ломаевга айтиб беришади. Довюрак изчиловчи, тўғрироғи овчи-ўлкашунос, айти пайтда гиёҳшунос, табиатнинг чексиз ҳавасманди И.Ф.Ломаев дўсти Ваҳоб Давлатов ва унинг ўғли Рауф билан биргаликда камарга боришади. Ўз навбатида И.Ф.Ломаев кўрганлари хусусида ўша пайтлари Термиздаги Сурхондарё округ музейи директори Г.В.Парфёновга хабар беради. Г.В.Парфёнов 1931 йили илк бор Сурхондарёга иш билан келганида Хатак қишлоқлик қариялардан тоғнинг қайсидир ғорларида ҳайвонлар, одамлар сурати чизилганлиги ва номаълум битиклар борлиги ҳақидаги маълумотларни эшитиб ёзиб олган эди, аммо ўшанда бу сирли ғорларнинг қаердалигини ҳеч ким айтиб беролмаган эди. И.Ф.Ломаевдан илгари ҳам камар расмлари билан қизиқувчилар бўлган, шулардан бири 1912 йили суратлардан нусха олишга ҳаракат қилган ҳарбий топограф Фёдоров бўлган. Юқоридагилардан шу нарса аёнки, илгарилари ҳам бу ноёб расмлар билан қизиқувчиларнинг бор бўлганлиги эҳтимолига заррача шубҳа йўқ.

Зараутсой моддий маданиятга оид суратлар дастлаб И.Ф.Ломаев томонидан ўрганилади, кейинчалик Г.В.Парфёнов раҳбарлигидаги экспедиция иш бошлади ва очиқ қоятошнинг антиқа қизил рангли расмларини суратга туширди, кўчирмалар олди, муҳими янги суратли жойлар аниқланди. Зараутсойни тадқиқ этишда Г. В. Парфёнов, А. Ю.Рогинская, А.С. Кириллов, И.Ф.Ломаев, А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Ш.Исмоиловлар катта ишларни амалга оширдилар. Ҳатто экспедиция иштирокчиси асли касби рассом А.Ю.Рогинская «Зараутсой» номли рисоласини рус тилида 1950 йили Москвада эълон қилдирди. А.Ю Рогинская 1942 йили Москвадан Сурхондарё вилоят театрига рассом сифатида ишга

жўнатилган бўлиб, Г.В.Парфёнов томонидан экспедицияга жалб этилган эди. Айниқса, кейинги йилларда Зараутсой қоя расмлари таниқли олим А.А.Формозов томонидан пухта таҳлил қилинди.

Зараутсой моддий маданиятига оид суратлар орасида ёввойи буқаларни овлаш манзараси тасвир этилган суратлар айниқса муҳимдир. Зараутсой дарасидаги 200 дан ортиқ расмларда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар: ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, хашорат, турли ов буюмлари: ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар, ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб чизилган расмлар, суратларда тасвирини топган ўқ-ёй ва хонаки итлар кўмагида ов қилиш сахналари уларнинг мезолит даврига оидлигини билдиради, деган хулосага келади А.А.Формозов, зеро ўқ-ёй ва уй ити мезолит давригача номаълум эканини фан аллақачон тасдиқлагандир. А.А.Формозовнинг илмий тадқиқотларида: ”қоявий тасвирлар-варақма-варақ, бобма-боб қатъий давомийликда ўқиб борилиши лозим бўлган очик китоблардир”, деб таърифлайди. Академик Б.Ғафуров бўлса Зараут суратларини неолит-энеолит даврига оидлиги ҳақида фикр баёнини беради. Зараутсой дараси ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида унинг обидаларини муҳофаза қилиш «қизил китоб»га киритилган. Г.В.Парфёнов Зараутсой суратларининг юқори палеолит даврига оид деб белгилади, энг сўнгги намуналар эса темир бронза даврига тўғри келади. Зараутсой камаридаги расмлар бир неча асрлар давомида чизилиб, аجدодларимизнинг ов билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган⁸.

Овчилар камон ва найзалари билан қуролланган, буқанинг кўкрагига найза санчилган, камондаги ўқ унга қаратилган. Одамларнинг баъзилари тери

⁸ .Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари.-Тошкент: 2003.

ёпинган ва думлари бор, бизга номаълум бўлган қандайдир афсонавий, эҳтимол, сеҳрий тасаввурлар билан боғлиқ ҳайвонлар сурати ҳам ўйилган. Зараутсой суратлари асосида Шерободда инсониятнинг илк босқичи яшаб ўтганлиги тўғрисида кўплаб қимматли материаллар илмий-археологик жиҳатдан тўла асослаб берилди. Зараутсой манзилгоҳида яшовчи ибтидоий одамлар тасвирий санъатни бўлажак овнинг бароридан келишига ёрдам беради деб тушунганлар, инсонга бўйсунмайдиган кучларга таъсир этувчи восита деб билганлар ва тасвири туширилган ҳайвон юрагига найза санчиб, ҳаётда ҳам овни ғолибона яқунлаш мумкин деб ишонганлар. Зараутсой қоясининг текис жойларида қалпоқ кийган кишиларнинг шакли кўзга аниқ ташланади, улар ёввойи буқа ёнига яшириниб бориб унга найза отадилар. Овчиларнинг қандайдир сеҳрли кийимлари ва маросимлари бўлган, улар ўзларига дум ёпиштириб олганлар, қўлларини кенг ёзиб кийимларининг этакларини қанот сингари силкитганлар. қоялардаги ҳайвонларнинг тасвири жуда жонли чиққан, масалан ов саҳналарининг бирида ёввойи ҳўкизни 19 овчи куршовга олиб турибди, бошқа ов ҳаракатлари ифодасини топган иккита манзарада эса қочаётган ҳайвонлар ва уларни таъқиб этаётган найзачилар тасвирланган. Бошқа бир тасвирда бўлса, жон ҳолатда қочаётган ҳўкизлар билан бирга жайронлар чопмоқда, ҳатто жайронлардан бирининг танасига қадалган найзани аниқ кўриш мумкин. Хулоса шуки, ибтидоий рассомнинг диққат-эътибори биргина ҳўкизга қаратилмасдан, балки тоғ эчкиси, сайғоқ, жайрон, бурама шохли эчки ва бошқа ҳайвонларга ҳам қаратилган экан⁹.

Зараутсой қояларида чизилган 246 дан ортиқ моддий маданиятга хос ибтидоий расмларнинг ҳаммаси бир вақтда чизилмаган, баъзи тасвирларнинг бир-бирининг устига қалашиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Зараутсойдаги дастлабки тасвирлар мезолит (ўрта тош) даврининг

⁹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. – Б. 11-14

охирларига оид бўлиб, тахминан бундан 10 минг йиллар муқаддам чизилган. қоялардаги кейинги тасвирлар бронза даврига оид бўлиб, милoddан аввалги III-II минг йилликларнинг маҳсулидир¹⁰. Зараутсойда топилган моддий маданиятга оид тасвирлар мамлакатимиздаги энг қадимий расмлар мажмуасидир. Одамлар ва ҳайвонларнинг ана шу расмларида бадиий тасвир инсон меҳнати, унинг яшаш учун кураши билан боғланган. Бу санъат ибтидоий одам онгида вужудга келган қиёфаларни ўзининг ибтидоий тасвирига, қонунларига эга бўлган асарга айлантириш маҳоратига асосланган. Зараутсой мамлакатимизда биринчи марта санъатшунослик кўриқхонасига айлантирилган ноёб манба сифатида ҳам жуда ардоқлидир. Воҳадаги мезолит даврига оид Мачай, Амир Темурғори, Зараутсой каби ибтидоий одамлар манзилгоҳларини ўрганиш асосида Республикаимизнинг жанубий ҳудудларида тоғ ва тоғ олди минтақаларида ўрта тош даврида ибтидоий одамларнинг кўплаб маконлари бўлганлигини ва бу ерда жадал ҳаёт давом этганлигини кузатиш мумкин. Бироқ неолит ва энеолит даври маконлари ҳанузгача воҳада аниқланмаган, бу билан воҳада бу даврларда одам яшамаган деган фикрдан йироқмиз. Агар жез даврида яратилган Сополли ва Жарқўтон маконларини эътиборга олсак, бу йўқ жойдан пайдо бўлмаган, аксинча тарихий тараққиётнинг тадрижий давоми саналади. Фақатгина кейинги тадқиқотларгина бу фикримизга ойдинлик киритиши табиий.

¹⁰ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. – Б. 11-14

4.2. Сурхон воҳасидаги Зараутсой - ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги

Тош асрида ишланган қоятош суратларини сақлаб қолган ёдгорликларидан яна бири Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой атрофида жойлашган. Зараутсой дараси Кўҳитанг тоғининг шимолий-шарқий этакларида, Термиз шаҳридан 110 км шимоли-ғарбда Шеробод тумани ҳудудида жойлашган. Даранинг ўнг томонида қатор ғорлар ва харсанг тошлардан иборат айвонлар мавжуд бўлиб, уларнинг деворлари ва томларига қизил охра билан кадимий расмлар чизилган. Бу жойдаги тўртта ғорда суратлар аниқланган бўлиб, биринчи ғорда бешта, иккинчисида ўнта ва учинчисида учта расм топилган. Тўртинчиси бошқаларга нисбатан каттароқ. Бу расмларда ҳўкиз овлаш композицияси акс этирилган.

Зараутсой суратларини биринчи бўлиб ўрганган Г.В. Парфёнов уларни бешта даврга палеолит, мезолит, неолит, бронза ва сўнгги даврларга ажратган. Ушбу суратларни Италия ва Африканинг палеолит даври қоятош суратлари билан ўхшашлигини таъкидлаган.

А.А.Формозов эса Зараутсойнинг энг қадимги расмлари мезолит, неолит, энеолит даврларга ҳослигини таъкидлаган. А.А. Формозов бу расмларни палеолит даври билан саналашга кескин қарши чиқиб, расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан олдин бўлиши мумкин эмас деб оқилона фикрни билдиради. Негаки ўқ-ёй мезолитда овчиликнинг асосий куроли даражасига кўтарилган. Зараутсой қоятош расмларининг жами 246 та мавжудлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, ҳозирги замон талаби асосида Зараутсой суратларини қайта ўрганиш вақти келди. Негаки ўтказилган энг сўнгги экспедиция XX асрнинг 70 йилларида олиб борилган асосий иш расмлардан шаффоф коғозларда нусха кўчиришдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда эса сезгирли ниҳоятда кучли электрон фото аппаратлар пайдо булди. Ёритгичлар ёрдамида суратларни қайта фото расмларга олиш, илгари номаълум бўлган янги расмларни кашф қилиш имконини беради.

Сўнгги тош асридаги энг муҳим ўзгаришлардан бири санъатнинг келиб чиқишидирки, бу кишилиқ маданияти тарихида алоҳида ахамиятга эгадир. Бу жиҳатдан Франция, Испания, Италия территориясидаги ва бошқа жойлардаги ғорлардан бўёқ билан чизилган расмларнинг топилиши диққатга сазовордир. Капова ғори, Лена ва Амур бўйлари, Ўрта Осиё тоғлари орасидан ҳам қуйи тош ва мезолит даврига мансуб расмлар топилди. Улар Зараутсой, Хўртакасой, Биттик-чашма ва Сариёз расмларидир. Уларда каркидонлар, мамонтлар, одамлар, от, буқа, ит, тулки, чўчка ва жайронлар, ўқ-ёйлар, тоғ эчкилари ва бошқа нарсаларнинг тасвирлари маҳорат билан ишланган. Бу расмлар уруғчилик тузуми даври кишилири хўжалиқ ҳаётининг баъзи томонларини ўрганишда ва диний тушунчалар билан танишишда биз учун қимматли далилдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги қоятош расмларидан бири бу Ҳисор тизмасининг жанубий ғарбидаги Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги унгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналаридир.

Сурхондарё вилоятида, Термиздан 100—110 км шим.ғарбда. 1912 й.да И. Фёдоров томонидан топилган. Археолог Г. Парфёнов (1940—45), кейинчалик А. Рогинская (рассом), А. Формозов, А. Кабиловлар томонидан ўрганилган. 200 дан ортиқ расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Расмлар чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) б-н чизилган. З.р.да одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайран, тоғ эчкиси, ҳашарот ва б.), турли буюмлар (ўқёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ва б. ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган. З.р. ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида ёдгорликларни муҳофаза қилиш «қизил китоб»ига киритилган.

Бузув хавзасида топиб ўрганилди. Сурхондарё вилоятининг табиий — географик кулайликлари овчилик хўжаликлари, айниқса термачилик янги

йўналишларининг ривож топиши учун зарур имкониятларга эга эди. Сурхондарё вилоятида мезолит даврига мансуб дастлабки урганилган ёдгорликлар — Мачай гори ва Зараутсой хисобланади. Кейинги йилларда вилоятнинг Айритом, Каттакургон, Дуконхона, Эски Термиз, Октош каби мавзеларида мезолит даврига оид тош куруллар топилган. 1970—1971 йилларда Мачай горида У.Исломов казишма ишларини янгидан тиклади ва мезолит даврининг сунгги босқичларига оид кимматли ашёвий манбалар туплади. Бу горда мезолит даври одамлари узок йиллар давомида яшаганликларидан гувоҳлик берувчи калин маданий катлам очилди. Маданий катламдан хайвон суякларининг парчалари, турли хил тош ва суякдан ишланган куруллар, кул катлами ва одам скелетлари топилди. Мачайликларнинг ов хайвонларидан асосан тоғ архари ва жайронлар булган. Мачайдан топилган меҳнат курулларининг 80% овчилик ҳаёти ва хайвон терисини ишлаш билан боғлиқ куруллардир. Улар асосан ҳар хил шаклдаги тош киргич — пичоклар, суяк бигиз ва игналар, терини пардозлаш куруллари эди. Мачайнинг куп сонли хайвон суяклари орасида йирик хайвон — хонакилашган сигир ва куй—ечкининг суяклари ҳам топилди.

Мезолит даври жамоалари тасаввурида «нариги» дунёга ишониш, оловга талпиниш алоҳида аҳамият касб этган. Кайла мазоридан топилган уликка кизил рангни сепиш одати нариги дунёга ишониш каби тасаввурлардан дарак беради. Зараутсой ёдгорлиги (Кухитанг тоғлари, Сурхондарё вилояти) Ўрта Осиёнинг мезолит даврига оид энг қадимий санъат намунаси хисобланади. Зараутсой қоясининг бир қисми суратлари кизил ранг билан ишланган. Қоя суратлари орасида «ёввойи хайвонларни овлаш» деб номланган манзара диққатга сазовордир. Бу манзарада бир пода шохли хайвонлар орқасидан овчилар итлари

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой қабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги

хайвонот олами вакиллариининг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликини ташкил этган.

Бир мисол. Ўзбекистон ҳудудида мезолит (ўрта тош) даври милоддан аввалги 12 минг йилликдан 5 минг йилликкача давом этган бўлиб, ўша вақтда ибтидоий тасвирий санъат бошқа жойлардагига қараганда анча ривожланган. Ғорларда яшаган одамлар қоя тошларга қизил бўёқ билан нақш чизиб ёки ўйиб ёзиб, ажойиб ов манзараларини қолдириб кетганлар. Бундай нодир санъат обидалари Сурхондарёда Зараутсой, Жиззахда Такатош, Бухорода Сармиш, Қораунгурсой, Тошкент воҳасида Қоразов, Хўжакент, Паркент ҳудудларидан топиб ўрганилганлиги ҳақиқат. Бу Ўзбекистон халқларининг ибтидоий жамият тарихини ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжатдир.

Зараутсой кўрикхонаси — Термиздан юз километр нарида Кўхитов оралиғида Зараутсой номли манзарали жой бор. Ер ости сувлари, ёмғир ва шамол натижасида қояларда жуда кўп шалоалар, ғорлар пайдо бўлган. 1932 йилда овчи ва ўлкашунос И. Ф. Ломаев тоғли қишлоқ аҳолисидан зараут — камар номи билан машҳур бўлган «Қизил суратли ғорлар» тўғрисидаги афсонани эшитиб қолади ва бу сирли расмлар ҳиқидаги маълумотни Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейига маълум қилади. Тошларга туширилган расмлар олимлар эътиборини ўзига тортади. Археологлар ва рассомлар барча ғорларни ўрганишади. Текширишлар натижасида тошларга солинган 200 дан ортиқ расм аниқланди. Лекин улардан фақат ўттизтасигина яхши сақланиб қолган бўлиб, ибтидоий жамият кишилари овчилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

Зараутсой тошларидаги расмларнинг нусхаси олинган бўлиб, улар вилоят ўлкашунослик музейи фондида сақланмоқда. Зараутсойдаги расмлар тош даврига, яъни палеолит, мезолит, неолит даврларига мансубдир. Баъзи

расмлар мезолит даврининг охирларида яратилган бўлса, баъзилари милодимизнинг бошланишига яқин бунёд этилган бўлса ажаб эмас. Минг йиллар ўтиши билан расмлар ўз ранги ва сайқалини йўқотган бўлса-да, узок ўтмишдан сақланиб қолган ёдгорлик сифатида қимматлидир.

Термиздан тахминан юз километр шимолда Зараут қишлоғи жойлашган. Зараут деганда, Марказий Осиёдаги энг қадимий динлардан бирининг асосчиси Зардуштнинг номи хаёлга келади. Маҳаллий ўлкашуносларнинг таъкидлашларича, Зардушт улуг *Даития* (яъни Амударё) дарёси яқинидаги қорли тоғлар ўлкасида тугилган, Термиз эса зардуштийларнинг бош шаҳри ҳисобланган. Аммо Зардуштнинг жойи ҳақида илмда бошқа фикр-карашлар ҳам мазжуд. Археологлар берган маълумотларга кура, илк темир даврида Зараут ва унинг атрофида маданият юксак даражада ривожланган. Кейинги ўн йилларда олиб борилган тадқиқотлар улуг ўзбек шоири Алишер Навоийнинг Самарқандга кетаётиб, Зараутдан ўтгани ва ўз таассуротларини “Сабаи сайёр” достонида акс эттиргани ҳақида сўзлайди¹¹. Аҳолининг тарихий хотирасида шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонга кетишида Зараутга қўнганлиги ҳақида ҳам ривоят юради.

Жанубий Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Кўҳитанг тоғи бағридан сизиб чиқувчи булоқлар кўп. Маҳаллий халқ тоғнинг тик деворни эслатувчи энг баланд қисмини Рез деб атайти. Резнинг шундоққина биқинидан чиққан булоқ суви ўзига йўл очиб жилға ҳосил қилади. Пастга оқаётган жилға Катта кўрчиқ ва Кичик кўрчиқ тоғлари оралиғига боргач, ўнлаб булоқлар суви қўшилган шарқироқ сойга айланади. Тоғдаги тор ўзанидан сўнг адирликларга чиққан сой Қизилолмасойга бориб қўшилади, у сувларнинг Қорабоғ. Майдон, Лойлиқ қишлоқлари боғу экинларини суғоришдан қолган қисми Шеробод дарёсига келиб қўшилади. Соининг Катта кўрчиқ ва Кичик кўрчиқ оралиғида кенгайган ҳавзаси росмана кичик тоғ водийси ҳосил қилган ва унда кўп асрлар давомида аҳоли яшаб келган.

¹¹ Алишер Навоий. Ҳамсаб Сабаи сайёр. Т. 1960. –Б. 535.

Тошдан тошга шарқираб урилиб оқаётган дарёчанинг икки томонига қиялаб кўтарилувчи ёнбагирларда яккам-дукам қари тут, ёнғоқ дарахтлари кўзга ташланади.

Билинар-билинемас ўрни қолган чордевор, пахса, узун-узн тошқаламалар ўрни мунғайиб турибди. Катта Қўрчиқ томонда пахсадан тикланган учта том кўринади, деворлари оқланган, биттаси шиферли, қолганлари лойсувоқ. Ана шу уйлар сахнида туриб қарасангиз, ортида Қизилолма қишлоғини яшириб турган Кичик Қўрчиқ тоғининг ажойиб манзараси намоён бўлади: қадимий мазоротни бағрига олган мангу яшил арчазор, тоғ белидан ошиб келган илон изи йўли оша узок Шалқон, Кампиртепа қишлоқлари, улар устида атрофи булутлар билан ўралган оппоқ баланд чўққиларга кўзингиз тушади.

Зараут қишлоғининг оқсоқоли Панжи Нишоновнинг айтишича, чуқурликдаги сой бўйидан арча ўсган жойларгача бўлган қиялик фақат томлардан иборат бўлган экан. Устма-уст жойлашган томлар узокдан зинапояларга ўхшаб кўринади. Бу зараутликлар қишлайдиган макон бўлган. Соининг суви музлаганда, ддамлар юқоридаги булоқлар сувидан фойдаланган. Ёзда улар юқори ва қуйи сой бўйига ва катта булоқлар ёнидаги боғларга кўчиб ўтишган. Ёзги боғларни юқори Ҳаёт(юқори боғ) ва адоқ Ҳаёт(пастки боғ) деб номлашган. Қишлоқ бошдан-оёқ дарахтзор бўлган. Урик, бодом, ёнғоқ, гилос, олма, олча, дўлана, шафтоли, жиндидўлана, жийда, беҳи, анжир, олмурут, узум, тут ва бошқа мевали боғлар арчаларга туташиб кетарди. Бу боғлар серҳосил ва жуда обод эди.

Бу ерлар ҳақида шундай гаплар юради: қўшни қишлоқдан тоғ оша Зараутга ўтиб келган отлик қишлоқ ичида бир-икки чақирим йўл босиб Хўжанқо йўлига чиқиб кетгунигача, от туёғининг товуши эшитилиб турар, аммо от ва чавандоз кўринмас экан.

Бир жойда кўкарган беш туп ёнғоқ дарахти бутуқлари бир- бирига

туташиб чирмашиб кетганлигидан ёз пайти қуёшнинг тангадек нури ҳам ерга тушмасди. Ғужум ёнгоқлар узоқдан биттага ўхшаб кўринар ва у ҳам шу атрофда ягона бўлган экан. Бир пайтлари инсон қўли бунёд этган мевазор боғли обод қишлоқ энди йуқ, ўрнида заранг, ёввойи дўлана, арча ўсиб кетган, ўз тарихида фақат обод бўлган маскан Иккинчи жаҳон уруши йилларида харобага айланди...

Зараут қишлоғига қачон асос солинганини ҳеч ким айтиб беролмайди. Қишлоқ номини тадқиқотчилар ҳар хил шарҳлайди. Уни бакгрча, сўғдча, қадим эрон тили - паҳлавийча дейишади. Барчасида “юқори қишлоқ”, “ўтлоқ”, “яйлов” маънолари кўзда тутилган. Уни араб-форс сўзлари аралаш сар работ, яъни бош карвонсарой деювчилар, шунингдек, уни тўғри маънода тушуниб, “олтин олов, зар тўла макон” деб билувчилар ҳам бор.

Зараут бир неча минг йиллик тарихга эга. Қишлоқдан 2,5 километр қуйироқда мезолит даврида яратилган тош суратлари топилган. Бир оз наридаги Қизилолма қишлоғи юқорисида милоднинг бошларига оид қушон шаҳарчаси Келитошнинг топилиши ҳам бу ерда тарих ҳеч қачон мудрамаганини кўрсатади. 68 ёшли Жаббор Ваҳобовнинг ҳикоя қилишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Зараутга бир неча бор келган, ўзга юртларга чиқиб кетаётиб ҳам Зараутда тўхтаб ўтган экан. Қишлоқ масжидининг ўша пайтдаги машҳур имоми мулла Файзали Бобур мирзо билан дўст тутинган. Мулла Файзали масжид қошида мактаб очиб ёшларнинг саводини чиқарган. Зараутликларнинг авлодлари хали Қизилолма, Хўжанқо, Ғуржак, Хатак каби ҳозирги катта қишлоқларда масжид бўлмаган бир пайтда ота-боболари яшаб ўтган қишлоқда масжид ва мактаб фаолият юритганини фахрланиб эслайди. Ана шу масжид биноси ўтган асрнинг 50-йилларида бузиб ташланган, бу билан Ўзбекистон жанубининг ўзига хос маҳаллий халқ меъморчилиги намунаси ер юзидан йўқотилган (Масжиднинг уч қисми устун ақс этган фотосурат сақланган).

Зараут қариялари хотираларига эътибор қаратадиган бўлсак, 80 ёшли Рауф Ваҳобовнинг ҳикоя қилишларича: Урушдан аввал Зараут қишлоғининг 31 хўжалигида 200га яқин киши яшаган. Қимматчилик замонлари... Яшаш

оғир эди, бу ерда кун кўришга қийналиб қолганлар Махмашукур, Абдулаъли ҳамда Ваҳоб боболар оилаларидан бошқаси бу ердан кўчиб кетишган. Кейин фақат бизнинг оиламиз қолган. 1943 йилдан 1956 йилгача, яъни ёдгорлик қоровули штати қисқаргунича шу ерда яшадик. Ҳаёт кечириш қийин эди. Бир сафар қиш куни чироқ ўчиб қолди. Гугурт йўқ. Олов олиб келиш учун Қизилолма ёки Хўжанқога бориш керак бўларди. Шунда отам узок ўйлай-ўйлай бир қарорга келди - қуруқ янтоқни тўплаб, тепкилади. Майдаланиб тўзгиган янтоққа қарата милтиқни пахтаванд қилиб отди. Янтоқ тутаб ёнди ва биз оловга эга бўлдик. Хўжанқога кўчиб ўтганимиздан сўнг Зараутда ҳеч ким қолмади.

Абдумурод Абдулаълиев: Зараут қишлоғида “Қизил меҳнат” тоғ колхози бўларди. Кейинчалик бу хўжалик тугатилиб Хўжанқодаги колхозга кўшиб юборилди. Қипшоқ аҳолиси пастга - Таллимарон чўлига кўчирилди. Зараут колхознинг мевачилик участкаси бўлиб қолди. Хўжанқодаги колхоз ҳам тугатилиб, чорва фермаси ташкил этилгач, Зараутдаги мевазор боғ билан ҳеч ким қизиқмади. Хўжаликда мева топшириш плани йўқ эди. Орадан кўп ўтмай туман бўлиниб, Зараут қишлоғи ўрни Бойсун туманига, Зараут ва Қизилолма орасидаги Кичик кўрчук тоғи арчалари эса Шеробод туманига қарашли бўлиб қолди. Икки туман чегарасидаги Зараут қишлоғининг мевазор боғи давлат хўжалиги учун узок участка ҳисобланарди. Натижада, бу ерларни чўпонлар ёзги яйлов қилиб олди. Зараутда сурув-сурув қўйлар боқилди. Боғ меваларини чўпонлар ейишди, қуриган шохларини ўтин қилиб кесишди. Ён-атрофдаги қишлоқлар аҳолиси ҳам бу ердан ўтин кесиб кета бошлади. Шундай қилиб 15-20 йил ичида мевазор боғ ҳам, қишлоқ ҳам йўқ бўлди. Сой суви бекорга оқаверди. “Буни эшитган ва келиб кўрган Абдулаъли бобо ичи ачиб, ҳафталаб шу ерда қолиб ўзи эккан дарахтларни суғорди, тагини юмшатди, арикчаларни тозалаб юрди.

1975 йили унинг ўғли Абдуғани Абдулаълиев Зараутга кўчиб борди. Аввалига “Зарабоғ” ўрмон хўжалигида, сўнг ўтган асрнинг 80-йилларида

ташкил этилган "Сурхон" давлат кўриқхонасида ишлади. Бугунги кунда ишламаса ҳам Зараутда муқим яшайди. 5-6 йилдан буён ўғли Тоғаймурод ҳам оиласи билан шу ерда яшамоқда. Турли мевали дарахтлар экишган, мол боқишади. У ерга транспорт боролмайди, электр чироғи ва телефон алоқаси ҳам йўқ.

Зараутни қадимий тоғ-кончилиги маркази ҳам дейиш мумкин. Зараутнинг Кўпкаритахт текислиги, Кўксойдаги лаълми ер этаги ва Чўчкабулоқдаги хумдон қолдиқлари (улар олтига) у ерларнинг кончилик ва хунармандчилик марказлари бўлганлигини исботлайди. Хумдонларга бир қават маҳаллий кўмир, бир қават руда тош қаланиб, тагидан олов ёқилган. Чўян ва темир шу тарзда эритиб олинган. Кексалар таърифлайдиган “ҳеч ким билолмайдиган замонларда” Зараутда эритилган чўян ва темир Катта кўрчиқнинг арава сиғадиган қия йўли орқали чет мамлакатларга олиб кетилган. “Ана шу қия йўлнинг йўғон хари ёғочлар қўйилган ва тош ётқизилган жойларининг сақланиб қолган қисмларини урушдан олдинги йилларда кўрганмиз”, - дейди 95 ёшли уста Раҳмон бобо. Заралтнинг юкори чорбоғида йўнилган тегирмон тошларини уруш йиллари усталар қия йўл ўрнидан дара охиридаги Чаланнинг ками деган жойгача қўш ҳўкизга судратиб олиб чиқардилар. У ердан машинага ортиб вилоят туманларига, Тожикистондаги колхозларга сотардилар. Асосан, буғдойга алмаштирардилар. Бир тегирмон тошга бир тонна буғдой олиш мумкин эди. Бир қишда 25-30тача тегирмон тоши ясаларди. Зараутнинг Қорабулоқ, Кўкбет, Ойнабулоқ, Сассиқбулоқ, Шакараклик мавзелари кизил, сариқ, кўк, оқ, малла ва бошқа рангдаги тошларга бой бўлса, Йўлсой тошлари қуёш нурида худди зардек ял-ял товланарди. Аҳоли Кўксой тошкўмиридан асрлар бўйи эҳтиёжи учун фойдаланиб келган. Зараут тупроғи ва умуман Кўхитанг заминида топилган олтин, кобальт, кўрғошин, алюминий каби 12 хил қимматбаҳо табиий захиралар ўз тадқиқотчиларини кутади.

Зараутнинг зари бор, қўшша заранглари бор,
Ҳар зарангнинг тагида қирқ йигитнинг моли бор.
Зар тепалар сайрида зар кокилли пари бор.

(Зараут ҳақидаги қўшиқдан)

Эмишки, Қорангқўл подшоси Мовурхон рақиб Шайбали таъқибидан қочаётиб, қирқ хачирга юкланган хазинасини тилсимлаб Зараутсойда қолдириб кетибди. Ойлар, йиллар ўтиб Зараутсойга Ҳиндистон мамлакатидан бир одам келибди. У шу ерликлардан бўлган Ўзбек исмли йигитга: “Менга заранг дарахтини кўрсат!” дебди. Икковлон бирга Зараутсой дарасини бошдан-оёқ айланиб чиқибдилар, аммо заранг дарахтини топишмапти. Ҳиндистонлик охири ҳолдан тойиб умидини узибди ва “Кун ғилофдан чиққанида зарангнинг сояси зарга уради, кун ғилофга етганида зарнинг сояси зарангга уради дейилган-ку, лекин қани заранг!” - дея нидо қилибди. Ўзбек бу гапга ҳайрон қолибди. Ҳиндга ҳеч нима демапти. Гап нимадалигини тушунгани учун сир бой бермапти. Заранг аслида, камарли тоғнинг ортида - Қизилолмада экан. Мовурхон замонида Қизилолма ҳам Зараут деб аталган ва буни ҳинд билмаган экан. Ҳинд ҳеч нарса топа олмай қайтиб кетибди. Ўзбек Қизилолмадаги зарангни бориб кўрибди. “Ўз эгаси бир куни келар-да!” деб тилсимли хазинанинг сирини ҳеч кимга айтмапти. Вақти-соати етиб умри охирлаганда, ушбу сирни фарзандларига васият қилиб қолдирибди. Фарзандлар ҳам бу васиятни, ўз навбатида, болаларига мерос қилиб қолдирибдилар. Алқисса, бу орада Қизилолмадаги заранг дарахти ҳам курибди. Қизилолма ва Зараутда кўплаб ёш заранг ниҳоллари кўкариб ҳамма ёқни заранг дарахтлар эгаллабди...

Сирли хазина, тилсимланган бойлик, авлоддан-авлодга ўтган васият ҳақидаги гаплар афсонами ёки ҳақиқат эканлигини эндиликда ҳеч ким билмайди. Лекин Зараутсой қоя ва камарларида битилган ажойиб суратларнинг кашф этилиши ҳар қандай афсона замирида ҳақиқат ётишини кўрсатади.

Зараутсой санъат ёдгорлиги 1939 йилнинг саратонида фанга маълум

бўлди. Ўшанда тоғ дарасида йўқолган такасини излаб қоя белидаги камарга чиққан Рауф исмли ўн яшар бола ҳайвон, одам ва бошқа нарсаларнинг қизил суратларини кўриб қолади. Москвада чоп этиладиган “Вестник древней истории” журнали 1940 йили буни қадимий гўзал қоятош суратларининг Ўрта Осиёда ҳудудидаги биринчи топилдиқлари, деб баҳолади¹². Бугунгача мазкур минтақада уч юздан зиёд қоятош суратларининг манзили аниқланган ва ҳисобга олинган. Уларнинг бир юз элликдан кўпроғи Ўзбекистонда. Лекин шундай бўлса-да, Марказий Осиёда топилган қоятош суратларининг ҳаммасидан Зараутсой обидасининг энг қадимийлиги ҳамда ўзига хос тарзда ҳаётий ишланганлиги ҳамон эътибор ва эътирофга лойиқ бўлиб келаётир. Зараутсой расмлари тош асри одамларининг бадиий ижод маҳсули, қоя рангасвир санъатининг табиий рангли бўёққа бажарилган нодир намунаси. Бўёқлар билан ишланган расмлар Китоб шаҳри яқинида, Сийпантош деган жойда ҳам топилган, бироқ улар турли геометрик шакллар холос.

Хуллас, минг йилликларнинг бешафқат синовларидан бизнинг замонгача омон етиб келган Зараутсойнинг гўзал расмлари ўзининг бетакрорлиги билан барчани ҳайратга солиб қолмоқда. Бойсуннинг Тешиктош ғорида яшаган неандертал одамнинг ўзига яраша ақл ва диний тасаввурга эга бўлганлигини фан тасдиқлайди, аммо у ҳали санъат ҳақида тасаввурга эга эмас эди.

Афсуски, Зараутсойнинг бугунги аҳволи яхши эмас. Бебаҳо суратлар йилдан-йилга камайиб бораётир. Обиданинг ёрдамга муҳтож эканлигига ярим асрдан ошди. Санъатимизнинг мозий қаъридан бизгача етиб келган сарчашмаси - қоятош суратлари изсиз йўқолиш арафасида. Фалокат кўз ўнгимизда содир бўлмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўтказилган экспедициялар (1943 й., 1945й.) хужжатларида 26 та камардаги 264 сурат тадқиқ этилгани ҳақида ёзилган

¹² Воеводский М.В. Обзор археологических полевых исследований 1939 года. Вестник древней истории, 1940. № 2.

(Г.В.Парфенов)¹³. Зараутсойда 1964 йили 212 та (А.А. Формозов)¹⁴, 1976 йили 88та сурат борлиги қайд этилган (Ж. Кабиров)¹⁵. 2001 йилга келиб эса 8та камарда 40дан кўпроқ суратлар сақланиб қолгани аниқланади (М.Хўжаназаров).

Бебаҳо суратларнинг бирин-кетин йуқ бўлиб кетаётганлигига, аввало, “ёввойи” сайёҳлар сабаб бўлмоқда. Улар расмлар юзасига тош ва металл буюмлар билан чизиб ўз “дастхат”ларини қолдирмоқдалар Расмлар ноқулай об-ҳаво шароитларидан ҳам зиён кўрмоқдалар. Неча минг йиллардан буён яхши сақланиб келган Зараутсойдаги санъат обидаларининг кўз ўнгимизда йўқолиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Тан олиш керак, жамоатчилик Зараутсой ёдгорлигини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва уни асраб қолиш йўлларини излаб муайян ишларни амалга оширди. Айниқса, кейинги ўн йил ичида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди. Матбуотда мақолалар чоп этилаётир, телекўрсатувлар тайёрланмоқда. Зараутсой ёдгорлигининг кашф этилиши ва ўрганилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи “Зараутсой тилсимлари” деб номланган махсус китоб дунё юзини кўрди.

2004 йили “Зараутсой” жамоатчилик марказининг тузилиши катта воқеа бўлди. Унинг амалий фаолияти Зараутсойга яқин қишлоқларда яшайдиган аҳоли ўртасида турли тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишга, ёдгорликни сақлаб қолиш ишларига уларни жалб этишга қаратилган.

2006 йил 17-18 июл кунлари Ўзбекистоннинг жаҳон аҳамиятига молик қоя санъати ёдгорлиги билан танишиш, унинг сақланиш ҳолатини кўриш ҳамда ЮНЕСКО рўйхатида киритиш масалаларига тайёргарлик кўриш мақсадида Сурхондарё вилохига ташриф буюрган ЮНЕСКО вакиллари жамоатчилик Марказида бўлдилар, сўнгра Зараутсой ёдгорлигини бориб кўрдилар. 2009 йил июн ойида Марказ фаоллари ёдгорликнинг илмий

¹³ Рогинская А.Я. Зараутсай. М. - Л. 1950. - С. 29.

¹⁴ Холирзаев А. Зараутсой тилсимлари. Т. 2003. - Б. 78.

¹⁵ Кабиров Ж. Древнейшая наскальная живопись Зараутсая. // Первобытное искусство. Новосибирск. 976. - С. 74.

жиҳатдан ўрганила бошланганлиги 70 йиллигига бағишлаб тақдирот маросимини ўтказдилар, ноёб ёдгорликни асраб қолишга ёрдам беришларини сўраб вилоят ҳокимига мурожаат билан чиқдилар.

ЮНЕСКО вакиллари ташрифидан сўнг марказ ишида ижобий силжишлар рўй берди. ЮНЕСКО ҳужжатларида ёдгорликни сақлаш ва муҳофаза қилиш амалиётига жамоатчиликнинг жалб қилиниши ва маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокини кучайтириш лозимлиги таъкидланади. Зараутсой ёдгорлигининг ҳолати, унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек ёдгорликни консервация қилиш, тақдиротини амалга ошириш ва ёдгорликни муҳофаза қилишга йўналтирилган махсус тажикот дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ушбу дастур Зараутсойнинг умумжаҳоний мерос сифатидаги аҳамиятини тушунтиришга қаратилган, у ёдгорликнинг тарихи бўйича илмий маълумотларни, ёдгорликни зиёрат қилиш қоидаларини ўз ичига олади, шунингдек, маҳаллий аҳолини сайёҳлар, зиёратчилар ва бошқалар учун ёдгорлик ҳақида тушунтириш бера оладиган гидлар сифатида ўқитиш вазифаларини назарда тутди. Бу ЮНЕСКО ҳужжатида кўзда тутилган ва биз бажаришимиз мумкин бўлган кичкинагина бир ишнинг дебчасидир.

Истиқболда эса, Зараутсой ҳудудининг юридик мақомини алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд даражасигача кўтариш, Зараут камари ва унинг нодир рангтасвирларини сақлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратadbирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш йўлидаги миллий ва халқаро даражада бажариладиган хайрли юмушлар турибди.

2015 йилда Сурхондарёнинг ибтидоий санъат тарихини ўрганиш бўйича яна бир муҳим янгилик қилинди. Ш.Б. Шайдуллаев ва Ладислав Станчо раҳбарлигидаги Ўзбекистон-Чехия Халқаро археологик экспедицияси Шеробод туманининг тоғли Зарабоғ қишлоғи яқинида 42 та тош суратлар, 2016 йилда эса Ш.Б. Шайдуллаев ва Х. Ойназаровлар яна 72 та тош

суратларни аниқлади. Суратлар юмшоқ таркибли қора тошларга чўкичлаб ишланган. Тош, жез, темир, пўлат ёки бошқа хилдаги қаттиқ буюмлар ёрдамида ўйиш, уриб чўкичлаш, чизиш, тирнаш ва ишқалаш натижасида ишланган.

Суратларда Сурхон воҳасининг қадимги ҳайвонот дунёси ифодаланган. Тоғ эчкиси, оҳу, туя, от, ит, чаён, тошбақа каби ҳайвонлар одамлар билан ягона композицияда чизилган. Зарабоғ тош расмларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у Ўзбекистон ҳудудида илк санъат намуналарининг пайдо бўлиши ривожланишини илмий асослайди. Қадимги аҳолининг мифологик ва диний дунёқараши, тасаввури бўйича илмий манба бўлиб хизмат қилади. Зарабоғ тош суратлари даври дастлабки фаразларга кўра сўнгги бронза, илк темир асрларига оид. Бу тарихий маданий ёдгорликни ҳозирги ҳолатидагидек қилиб сақлашни таъминлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бугунги кунда Зарабоғ тош суратлари устида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари давом этмоқда.

Бу мезолит даврига оид тасвирий санъат ёдгорликларининг топилиши ҳам жуда қизиқ бўлган биз топилиш тарихига бир назар ташласак.

Бу дара Сурхондарёнинг ўтиш ва бориш энг қийин, энг мушкул бўлган Кўҳитанг тоғлари этакларида жойлашган бўлиб, қадимги санъатнинг ажойиб ҳамда ноёб ёдгорликларидандир. Шундай қалтис жойни, чиқиш қийин дара тепасидаги ғорни зараутлик Рауф исмли ўн яшар бола кўй боқиб юрганида тасодиф кашф этади. Бу 1939 йилнинг баҳорида бу топилма ҳақида хонадон аъзолари оиланинг қадрдон дўсти бўлиб қолган Иван Фёдорович Ломаевга айтиб беришади. Довюррак изчи-овчи, тўғрироғи овчи-ўлкашунос, айни пайтда гиёҳшунос, табиатнинг чексиз ҳавасманди И.Ф.Ломаев дўсти Ваҳоб Давлатов ва унинг ўғли Рауф билан биргаликда камарга боришади. Ўз навбатида И.Ф.Ломаев кўрганлари хусусида ўша пайтлари Термиздаги

Сурхондарё округ музейи директори Г.В.Парфёновга хабар беради¹⁶. Г.Ф.Парфёнов 1931 йили илк бор Сурхондарёга иш билан келганида Хатак қишлоқлик қариялардан тоғнинг қайсидир ғорларида ҳайвонлар, одамлар сурати чизилганлиги ва номаълум битиклар борлиги ҳақидаги маълумотларни эшитиб ёзиб олган эди, аммо ўшанда бу сирли ғорларнинг қаердалигини ҳеч ким айтиб беролмаган эди. И.Ф.Ломаевдан илгари ҳам камар расмлари билан қизиқувчилар бўлган, шулардан бири 1912 йили суратлардан нусха олишга ҳаракат қилган ҳарбий топограф Фёдоров бўлган¹⁷. Юқоридагилардан шу нарса аёнки, илгарилари ҳам бу ноёб расмлар билан қизиқувчиларнинг бор бўлганлиги эҳтимолига заррача шубҳа йўқ.

Заравут сойи тамом бўлиб, Қорабоғ сойи бошланишида дара бирмунча тораяди, дара кенглиги 20-30 метрни ташкил этади. Қоялар ҳам пасайиб боради. Дара ўнг томонидаги Кичик Етимтоғ қояси юзасидаги бир неча соябонли камарсимон чуқурча (ўйиқ) лар деворига қизил рангдаги бўёк билан хилма-хил тасвир (сурат)лар туширилган. Улар орасида тасвирларнинг яққоллиги, хилма-хиллиги ва саҳнасининг бойлиги билан энг катта ҳисобланган камар манзараси одамлар диққатини ўзига жалб этади. Камар шипи ва деворига ўқ-ёй билан қуролланган ва ҳайвонларни чўчитмайдиган кийимдаги овчилар итлар ёрдамида ёввойи ҳайвонларни овлаш манзараси тасвирланган.

1939 йили шерободлик заҳарли илон овчиси И.Ф.Ломаев Г.В.Парфёнов билан биргаликда Заравутсой камарлари тасвирларини ўрганиб, матбуотга мақола ўйналишда эълон қилади. Шу тариқа 1941-1945 йиллар давомида 264 дан ортиқ хилма-хил сурат аниқлаган¹⁸.

¹⁶ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

¹⁷ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

¹⁸ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

1942 йилда Сурхондарё вилоят театрига ишга келган рассом А.Ю.Рогинская 1943 йил октябрь ва 1945 йил октябрида уюштирилган махсус экспедицияда қатнашиб, юқорида қайд этилган катта камардаги тасвирларни оғир шароитда бир учи тоғ тепасига беркитилган арқоннинг иккинчи учини белига боғлаб, арча хариларидан ясалган нарвон ёрдамида махсус (ватман) қоғозларини намлаб камар сахнасига ёпиштириб, барча тасвирларни асл катталиқда қоғозга туширди ва аслидагидек рангга бўйди¹⁹.

Экспедиция иштирокчилари Москвадаги турли музей ва илмий текшириш институтларида ўз тадқиқотлари ҳақида маърузалар билан чиқиб, қоғозга туширилган рангли тасвирларни намойиш қилдилар. Бу хабар фан оламида катта шов-шувга сабаб бўлди. Олимлару, ихлосмандлар қизиқишини уйғотди.

Шу тариқа девори ва шипига қизил ва қўнғир (қорамтир) рангдаги бўёқ (охра) ёрдамида ўқ-ёй билан қуролланган ва ҳайвонларни чўчитмайдиган кийимдаги овчилар итлар ёрдамида ёввойи буқа, кийик, чўчкаларни овлаш манзараси (хилма-хил сиртқи кўринишли (контурли) ёки ғира-шира кўринишли (силуэтли) ҳаяжонли тасвирлар) туширилган сахна Заравут камар номи билан тарихга кирди.

Марказий камардан бошқа кичик камарчалардаги тасвирлар якка-якка бўлиб, бирон-бир жараёни ифодаламайди. Марказий камардаги тасвирларда қадимий одамларнинг ҳайвонларни овлаш жараёни тўлиқ кўринади, жумладан: ов сахнасининг бирида 19 овчи ёввойи ҳўкизни қуршаб турганлиги, бошқа сахнасида найза билан қуролланган овчилар бир тўда ҳайвонларни қувиб кетаётганлиги, отилган найзаларнинг учиш жараёни ва жайрон танасига санчилган найза акс эттирилган.

Москвада намойиш этилган рангли тасвирлар даври (ёши) бўйича турли мунозаралар юзага келди. Бир гуруҳ олимлар уларни милоддан

¹⁹ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

олдинги 7-5 минг йиллик, иккинчилари милoddан аввалги 15-10 минг йиллик, Г.В.Парфенов ва А.Ю.Рогинская тарафдорлари милoddан аввалги 30-20 минг йилликлар (палеолит) га тааллуқлиги ва уларни шу ҳудудга келиб қолган кроманьонлар (Франциядаги Кроманьон ғоридан топилган, сўнгги палеолит даври одами)нинг вакиллари чизишганлиги ҳақида сўз юритишади.

Заравутсой тасвирлари даврига аниқлик киритишда А.А.Формозов олға сурган фикр қимматлидир. У тасвирларни ўз кўзи билан кўрганидан сўнг, юқорида қайд қилинган тақризида илгари сурган хулосасини услубий (стилистик) таҳлиллар асосида янада чуқурлаштириб, суратлар ёшини палеолитга хос эмаслигини, уларда мезолит эҳтимоли борлиги, ҳатто ундан ҳам кечки – неолит, энеолит даврига тўғри келишини, овчилар ҳаётини акс эттирувчи шу каби сахналар Ўрта Осиё петроглифида ҳатто ўрта асрларгача кўп учрайдиган ҳол эканлигини, одам шаклининг 4-20 см ҳажмидаги тасвири, уй итлари ва камондан ўқ отиш билан овлаш сахнаси палеолит даври санъатида учрамаслиги, одам сиймоси (фигураси) ни учбурчак шаклида чизиш фақат бронза даврида одат тусига кирганлигини таъкидлайди.

Заравутсойга ташриф буюрганларнинг айримлари рангли тасвирларнинг тўлиғича сақланганлиги, бошқалари уларнинг хиралашганлигини, учинчилари йўқолганлигини баён қиладилар. Тасвирлар аҳволи ўрганилганда, қуёш нуридан кўпроқ таъсирланганлари хиралашгани, одам кўли етадиган пастки камарлардагилар рангсизланганлиги, аксинча қоя юзаси юқorigи қисмидаги ва қуёш нуридан кам таъсирланганлари тўлиқ сақланганлиги, булардан ташқари ҳаво намлиги даражаси юқори пайтларда тасвирлар кўриниши яққоллашиши, аксинча ҳолатда эса уларнинг ранги сўниши кузатилади.

Ранги хиралашган тасвирлар юзаси ҳўл латта билан артилиб, намга тўйинтирилганда уларнинг чиройи очилади. Тасвирлар бўёғи таркибида темирнинг мавжудлиги, унинг вақт ўтиши билан аста-секин ишқорланиши ва

сув билан ювилиши оқибатида улар хиралашиб (сўниб) борган. Кам таъсирланган тасвирлар қизил-жигарранг тусга, қуёш ва сувдан кўпроқ таъсирланганлари жигарранг-кулранг (бўз) тусга кирган.

Маълум бўлишича, Заравутсой тасвирлари турли даврларда бир хил таркибдаги бўёқлар билан умумий қоида ва услубга бўйсунган ҳолда яратилган йирик ва ноёб санъат мажмуаси экан. Мажмуадаги тасвирлар уч гуруҳдан иборат. Биринчи гуруҳи инсониятнинг ибтидоий даври билан боғлиқдир. Бу гуруҳдаги тасвирларнинг энг қадимийси Марказий камар (Заравут камар) бўлиб, 6-камардаги от минган одам тасвири ундан ёшдир. Таъкидлаш жоизки, отларни хонакилаштириш ҳозирги Қозоғистон чўлларида милoddан олдинги II минг ўрталарида амалга оширилган.

Заравутсой суратлари дастлаб И.Ф.Ломаев томонидан ўрганилади, кейинчалик Г.В.Парфёнов раҳбарлигидаги экспедиция иш бошлади ва очик қоятошнинг антиқа қизил рангли расмларини суратга туширди, кўчирмалар олди, муҳими янги суратли жойлар аниқланди. Заравутсойни илмий амалий тадқиқ этишда Г.Парфёнов, А.Ю.Рогинская, А.С.Кириллов, И.Ф.Ломаев, А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Ш.Исмоиловлар катта ишларни амалга оширдилар. А.Ю. Рогинская 1942 йили Москвадан Сурхондарё вилоят театрига рассом сифатида ишга жўнатилган бўлиб, Г.В.Парфёнов томонидан экспедицияга жалб этилган эди²⁰.

А.Ю.Рогинская қоғозга туширган тасвирлари ва экспедиция материалларини якунлаб, 1950 йили «Заравутсой» номли китобини нашрдан чиқарди. Бу асар сўзсиз Заравутсой ҳақида янги асарлар яратилишига туртки бўлди. Қоғозга туширилган тасвирларни шарҳлаб А.А.Формозов 1951 йилда махсус тақриз ёзди. Орадан 14 йил ўтгач, яъни 1964 йили Заравутсой тасвирларини ўз кўзи билан кўриб, уларни тўлиғича ўрганди ва қатор мақола

²⁰ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

ва асарлар яратди. Бу асарлар асосида маҳаллий муаллифлар томонидан мулоҳазага молик қатор мақолалар ёзилди.

Заравутсой ҳақидаги мавжуд асарларда тасвирларнинг сони, ёши, бўёқлари таркиби тўғрисида бир фикрга келинмаган. Г.В.Парфенов ва А.Ю.Рогинская тасвирлар туширилган 27 та камарчада 264 та суратни санашган. Ўлкашунос В.Н.Жуков кузатган 13 камарнинг 8 тасида 357 тасвирни, жумладан: Заравуткамар марказида 198 та (21 одам, 2 қуш, 19 та ҳар хил ҳайвон, 2 териға ўхшаш сурат ва ҳкз), 3-камарда 6 та (1 та ҳайвон), 4-камарда 7 та (1 та одам, 1 та ҳайвон), 6-камарда 13 та (битта от минган одам) тасвирининг мавжудлигини ҳамда 2, 5, 7, 8, 11-камарлардаги суратларнинг ҳаммаси ноаниқлиги, 9, 10, 12, 13-камарларда эса суратларнинг йўқлигини қайд қилади²¹.

Чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ-ёй кўтарган овчилар ит ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан бирга тасвирланган. Афтидан, қадимги овчилар ов қилиниши лозим бўлган ҳайвонларни чўчитмаслик учун орқаларига дум боғлаб, чодир ёпиниб олган бўлсалар ажаб эмас.

Айниқса, кейинги йилларда Зараутсой қоя расмлари таниқли олим А.А.Формозов томонидан пухта таҳлил қилинди. Таниқли журналист, ижодкор, илм тафаккур эгаси воҳадошимиз, ўлкамизнинг фидойи бир инсони Абдулла Холмирзаев «Зараутсой тилсимлари» (2003) номли илмий-оммабоп рисоласини нашр эттирди. Абдулла Холмирзаевнинг болалиги, ёшлиги Зараут қишлоғида ўтган, у бу тилсимли расмлар ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар эшитиб катта бўлган. «Зараутсой тилсимлари»ни варақлаймиз: «Зараутсой ранг тасвирини тушуниш учун Г.В.Парфёнов ушбу асарларни яратган одамларни хаёлан кўз олдида намоён этишга ҳаракат қилиб кўрди. У баъзан куни бўйи тоғларда қолиб кетарди. Камар ва ўйиқ-камгаклар қидириб

²¹ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

барча жойларни кезиб чикди, узоқ чўққиларга бориб келди. У Зараутсойдаги ибтидоий одам ҳаётининг барча тафсилотларини ўрганди.

Зараутсой санъат обидаси турган жойдан 80-100 чақиримлар чамаси масофадаги Тешиктош ғоридан неандерталь бола скелети топилганлигини барчамиз яхши биламиз. Неандерталлар кроманьонларга нисбатан 50-30 минг йиллар илгари яшаб ўтганлар. Зараут ҳудудига келиб санъат яратган кроманьонлар, эҳтимол, тешиктошлик ота-боболарнинг авлодларидан бўлгандирлар. Лекин неандерталлар ҳали санъатни билмаганлар, шу билан бирга, айтиш жоизки, тошларга тасвирлаш одати ҳар қандай кроманьон одам тўдасига ҳам хос бўлавермаган». Зараутсойда олиб борилган кузатиш ишлари даврида пичоқ вазифасини бажарган ясси чақмоқтош топилиб, Дулдул ота ғоридаги маданий қатламлар текширилганда тош даври ибтидоий одамнинг истиқомат жойи бўлганлигини кўрсатувчи ашёвий белгилар аниқланди. Қуйидаги сатрлар ҳам шу китобдан олинди: «Зараутсойдаги каби қадимий ибтидоий санъат энди ҳеч қачон қайта яратилмайди. У худди эпос ва эртакчилик каби ўз имкониятини ишлатиб бўлган. Ўз ҳолича гўзал, нафис ва шу билан бирга ёввойи ибтидоий санъат энг қадимги ўтмиш меросимизнинг олий намунаси сифатида доимо сизу бизни оҳанграбодек ўзига жалб этаверади»²².

Шунингдек, муаллиф Зараут номи этимологияси хусусида баҳс юритади, афтидан Зараут номини бизнингча, «зар», «зара», «заранг» сўзларидан қидирган мақбулроқ туюлади. Боиси, «зар» сўзида олтин ва ўт маънолари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас, яна унда товланиш мазмуни ҳам борлиги аниқ. қолаверса, Зараутнинг талаффузда Заравут тарзида эканини ҳам унутмаслигимиз лозим, бу эса унинг таркибида работ сўзи борлигини маълум маънода исботлайди. Шундан унинг Зар работ экани аниқланади, унинг эса Заравут бўлиб кетиши ҳеч гап эмас, сабаби «б» товушининг «в»га ўтиш ҳодисаси тилда мавжуд ҳодисадир. Чунки, муаллифнинг ўзи

²² Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари. Т. 2003. - Б. 5-6.

таъкидлаганидек, Зараутнинг қатор булоқлари номи билан боғлиқ мавзеларида қизил, сарик, оқ, малла рангли тошлар ва яна бир хил тошлар қуёш нурида зар каби товланади.

Зараутсой суратлари орасида ёввойи буқаларни овлаш манзараси тасвир этилган суратлар айниқса, муҳимдир. Зараутсой дарасидаги 200 дан ортиқ расмларда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган²³. Ҳайвонлар: ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашорат, турли ов буюмлари: ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар, ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб чизилган расмлар, суратларда тасвирини топган ўқ-ёй ва хонаки итлар кўмагида ов қилиш сахналари уларнинг мезолит даврига оидлигини билдиради, деган хулосага келади. А.А.Формозов, зеро ўқ-ёй ва уй ити мезолит давригача номаълум эканини фан аллақачон тасдиқлагандир. А.А.Формозовнинг илмий тадқиқотларида”қоявий тасвирлар-варақма-варақ, бобма-боб қатъий давомийликда ўқиб борилиши лозим бўлган очик китоблардир” деб таърифлайди²⁴. Академик Б.Ғафуров бўлса Зараут суратларини неолит-энеолит даврига оидлиги ҳақида фикр баёнини беради. Зараутсой дараси ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида унинг обидаларини муҳофаза қилиш «қизил китоб»га киритилган. Г.В.Парфёнов Зараутсой суратларининг юқори палеолит даврига оид деб белгилади. Энг сўнгги намуналар эса темир бронза даврига тўғри келади. Зараутсой камаридаги расмлар бир неча асрлар давомида чизилиб, аجدодларимизнинг ов билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган эзгу ниятлари, табиатга ҳурмати, ватанга муҳаббат ҳис - туйғулари акс эттирилган эди.

²³ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

²⁴ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

Ватанимиз тасвирий санъатининг илк дурдонаси бўлган Зараутсой қоя тошлари суратлари расмлар, тасвирлар миллатимизнинг моддий-маънавий маданиятининг бебаҳо хазинаси ва бу тарихий обида юксак санъат ёдгорлиги ҳисобланади. Энг муҳими ушбу тасвирий санъат намуналари аждодларимизнинг илк ёзувини вужудга келишига асос солишига йўл очиб берган маънавий ютуқдир. Академик А.П.Окладниковнинг фикрича, ушбу ноёб ёдгорлик ўша даврда чизилган суратларни қайси усулда яратилганлигини, бу санъат асарларининг илмий тарихий аҳамиятини аниқлаш масаласида тарихчи-археолог олимларнинг жиддий эътиборини қаратди. Натижада бу борада маълум илмий-амалий натижаларга эришилди, жиддий илмий хулосалар ясалди, ўз аҳамияти жиҳатидан эътиборга молик фикрлар ўртага ташланди.

Овчилар камон ва найзалари билан қуролланган, буқанинг кўкрагига найза санчилган, камондаги ўқ унга қаратилган. Одамларнинг баъзилари тери ёпинган ва думлари бор, бизга номаълум бўлган қандайдир афсонавий, эҳтимол, сеҳрий тасаввурлар билан боғлиқ ҳайвонлар сурати ҳам ўйилган. Зараутсой суратлари асосида Шерободда инсониятнинг илк босқичи яшаб ўтганлиги тўғрисида кўплаб қимматли материаллар илмий-археологик жиҳатдан тўла асослаб берилди. Зараутсой манзилгоҳида яшовчи ибтидоий одамлар тасвирий санъатни бўлажак овнинг бароридан келишига ёрдам беради деб тушунганлар, инсонга бўйсунмайдиган кучларга таъсир этувчи восита деб билганлар ва тасвири туширилган ҳайвон юрагига найза санчиб, ҳаётда ҳам овни ғолибона яқунлаш мумкин деб ишонганлар. Зараутсой қоясининг текис жойларида қалпоқ кийган кишиларнинг шакли кўзга аниқ ташланади, улар ёввойи буқа ёнига яшириниб бориб унга найза отадилар. Овчиларнинг қандайдир сеҳрли кийимлари ва маросимлари бўлган, улар ўзларига дум ёпиштириб олганлар, қўлларини кенг ёзиб кийимларининг этакларини қанот сингари силкитганлар. қоялардаги ҳайвонларнинг тасвири жуда жонли чиққан, масалан ов саҳналарининг бирида ёввойи ҳўкизни 19

овчи куршовга олиб турибди, бошқа ов ҳаракатлари ифодасини топган иккита манзарада эса қочаётган ҳайвонлар ва уларни таъқиб этаётган найзачилар тасвирланган. Бошқа бир тасвирда бўлса, жон ҳолатда қочаётган ҳўкизлар билан бирга жайронлар чопмоқда, ҳатто жайронлардан бирининг танасига қадалган найзани аниқ кўриш мумкин. Хулоса шуки, ибтидоий рассомнинг диққат-эътибори биргина ҳўкизга қаратилмасдан, балки тоғ эчкиси, сайғоқ, жайрон, бурама шохли эчки ва бошқа ҳайвонларга ҳам қаратилган экан.

Зараутсой қояларида чизилган 246 дан ортиқ ибтидоий расмларнинг ҳаммаси бир вақтда чизилмаган, баъзи тасвирларнинг бир-бирининг устига қалашиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Зараутсойдаги дастлабки тасвирлар мезолит (ўрта тош) даврининг охирларига оид бўлиб, тахминан бундан 10 минг йиллар муқаддам чизилган. Қоялардаги кейинги тасвирлар бронза даврига оид бўлиб, милоддан аввалги III-II минг йилликларнинг маҳсулидир. Зараутсойда топилган тасвирлар мамлакатимиздаги энг қадимий расмлар мажмуасидир²⁵. Одамлар ва ҳайвонларнинг ана шу расмларга бадиий тасвири инсон меҳнати, унинг яшаш учун кураши билан боғланган. Бу санъат ибтидоий одам онгида вужудга келган қиёфаларни ўзининг ибтидоий тасвирига, қонунларига эга бўлган асарга айлантириш маҳоратига асосланган. Зараутсой мамлакатимизда биринчи марта санъатшунослик кўриқхонасига айлантирилган ноёб манба сифатида ҳам жуда ардоқлидир. Аммо юқоридагиларга қарамасдан, Зараутсой осори атиқаларини сақлаш соҳасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳатто «Зараутсой-95» ва «Зараутсой-98» илмий-амалий халқаро анжуманларида суратларни келгуси авлодлар учун асраб қолиш ҳақида фикрлар юритилганига қарамасдан, то ҳозиргача мутлақо қаровсиз ва ҳимоясиз қолаётган Зараутсой қоя рангли тасвирларини амалда муҳофаза этиш лозим кўринади.

²⁵ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-15.

4.3. Сармишсой қоятош расмлари энг қимматли манба

Ўз бағрида қадимий суратларни сақлаб келаётган Сармишсой Зарафшон дарёси ўрта оқимининг ўнг томонида ястаниб ётган унча баланд бўлмаган Қоратоғнинг жанубий ёнбағрида, Навоий шаҳридан 40-45км шимоли-шарқда жойлашган. Сармишсой суратлари ҳақида дастлабки қисқача маълумот 1958 йилда даврий матбуотда эълон қилинган. Кейинги йилларда академик Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳандарё экспедицияси аъзолари А.Р. Муҳаммаджонов, М.Р. Қосимов, Ў.И. Исломов, Н.Х. Тошкенбоев ва бошқалар Сармишсой ҳамда Қоронғиунгурсойда илмий кузатишлар олиб бордилар.

1964 йили Н.Х. Тошкенбоев кузатишларининг дастлабки натижалари ҳақидаги мақоласи эълон қилинган. 1968 йили Санкт-Петербурглик биолог олим В.Танайсичук Сармишсой суратлари ҳақида мақола ёзган. 1966-1967 йилларда А. Кабиров бу ердан 2000 га яқин қоя тош суратларини аниқлайди. Айнан шу соҳада Ўзбекистонда биринчи бўлиб, А. Кабиров «Ўзбекистонда қоятош суратларини ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1969-1970 йилларда Сармишсой суратларини ўрганиш учун махсус илмий гуруҳ тузилди ва Қоратоғнинг Тонготар, Бирон, Гуртут, Қиличлик, Тойтуёқ, Корачарвоқ, Умартал, ҳамда Найманчалик сой қаби даралардан янги ёдгорликлар топилди. Сармишсой суратлари мазмуни ҳамда ифода этилган манзарали жиҳатидан хилма-хилдир. Бу ерда жами 3500 та тасвир аниқланган бўлиб, 40 турга ажратиш мумкин. Бу суратлар ишланиш услубига кўра схематик, контур тарзда, соя услубида нақшдор безакли ҳамда контур-соя шаклдаги турларга ажралади.

Энди биз Сармиш давлат буюртма кўрикхонаси ҳақида икки оғиз сўз юритсак:

Сармиш давлат буюртма қўриқхонаси — Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида, Қоратов тоғидаги ҳудудда жойлашган. 1991 й.да ташкил этилган²⁶. Ум. майд. 5000 га. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами, ноёб қоятош расмлари ва тарихий маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш, муҳофаза объектларидан маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш вазифаларини бажаради. Ҳудуди Сармишсой ҳавзаси ва Кораунгурсойнинг бир қисмини эгаллайди, денгиз сатҳидан 1000 м баландликда жойлашган, рельефи Кизилқумнинг типик паст тоғларидан иборат.

Қўриқхонада шамол эрозияси натижасида ҳосил бўлган турли одам ва ҳайвонларга ўхшайдиган қоятош шакллари кўп. Сармишсой дарасида, айрим олимларнинг фикрича, неолит даврига хос бўлган 3 мингдан 8 минггача қад. қоятош расмлари, петроглифларнинг ҳатто жаҳон даражасида ноёб бўлган намуналари, Ўзбекистон Кизил китобига киритилган Ўрта Осиё кобраси, эчкиэмар ва б. судралиб юрувчилар бор. Петроглифларни ўрганиш бўйича и.т. ишлари олиб борилган.

Сармишсой қоятош расмлари — Қоратов (Навоий вилояти)нинг жан. ён бағридаги Сармишсой дараси қоятошларига ўйиб ишланган расмлар. 1958 й.да Х.Муҳамедов томонидан топилган. 1966 й.дан и.т. ишлари олиб борилмоқда (дастлаб Н. Тошканбоев, кейинроқ, А. Кабиров, 1960—70й.лар; 1993 й.дан М. Хўжаназаров ва б.). Мил. ав. 4— 1минг йилликка ва ундан кейинги даврлар (мил. 1—7-а.лар)га мансуб 4 мингга яқин расмлар бронза, темир ва тош б-н уриб чўкичлаб схематик, контур, соя ва нақшдор услубда ишланган. С.р.да ёввойи ҳайвонларни ов итлари ёрдамида овлаш, ҳайвонларнинг ўзаро уруши, чорвачилик, ракс тушаётган одамлар, диний маросимларнинг ижро этилиши б-н боғлиқ манзаралар тасвирланган. Хонаки ва ёввойи ҳайвонлар, ўқёй, ханжар, қилич, найза каби турли буюмлар, кийимлар (дубулға, учли қулоқчин, калта чопон, оёқ кийими ва б.) тасвири

²⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. С –ҳарфи. – Б.204.

Ўзига хос тарзда юксак маҳорат б-н нозик, ҳаётий қилиб ишланган. СР. ибтидоий санъатнинг нодир ёдгорлиги ҳамда шу ҳудудда яшаган кад. халқларнинг ҳаёти, ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда муҳим археологик ёдгорлик обидаси сифатида қимматлидир.

Навоий вилояти тарихий ёдгорликлари орасида Сармишсой қоятошларидаги расмлар энг қимматли манба ҳисобланади. Қадим тамаддуннинг неча минг йиллик садолари келиб турган Сармишсойдаги бу нодир обидалар фан тилида петроглифлар дейилади. Кармана шаҳридан 30-35 км. чамаси шимолда Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой, Қораунгурсой, Биронсой дараларида ибтидоий маданиятнинг нодир обидаларидан бири қоятошларга битилган петроглифлар ястаниб турибди. Очiq осмон остидаги бу ўзига хос «музей»да, олимларнинг фикрича, 3 мингдан 8 мингтагача қадимий қоятош расмлари мавжуд. Тошларга ўйиб ишланган бу суратлар галереяси расман 1958 йилда Х. Муҳамедов томонидан топилган. Дарада ўшандан бери археолог ва географлар йлмий тадқиқот олиб бормокда.

Шунингдек, олимлардан Н.Тошкентбоев, А.Кабилов, М.Хўжаназаров, карманалик ўлкашунос Б.Шалотенинлар ҳам ушбу қоятош суратларини ўрганишган.

Петроглифлар жуда қадимий бўлиб, расмларнинг дастлабкилари ёши эраиздан аввалги 2-асрга — бронза даврига мансубдир. Бу ерларни қадам бақадам кезган Б.Шалотонин айрим суратлар ёшини ҳатто 5-7 минг йилга, Неолит даврига тўғри келади, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда ўзининг «Дарё соҳилидаги шаҳар» рисоласида ҳам ёзган.

Г.В.Шацкий «Рисунки на камне» асарида: «Бундай қоятош суратлари бошқа вилоятлар, ҳатто мамлакатларда ҳам учрайди, жумладан, Швеция, Польша, Россия давлатларида, лекин Сармишсойдагидек кўп, ўша давр ҳақида батафсил маълумот берадигани йўқ», деб ёзган.

Тош суратлар тадқиқотчиси А.Кабиловнинг таъкидлашича, милoddан

аввалги 4-1 минг йииликка тааллўқли бу расмлар бронза, темир, тош билан уриб, чўкичлаб контур, соя, нақшдор услубда ишланган. Шуниси қизиқки, нима учундир кўпчилик расмлар тоғнинг жанубий тарафидаги ясси тошларда учрайди. Чунки жанубий ён бағирлар офтобрўя бўлиб, ундаги тошлар қуёшда кўпроқ қорайган, демакки, қорамтир тош сатҳида тасвир яққолроқ кўринади. Яна бир эътиборли жиҳати, бу ердаги суратлар ёмғирдан сўнг кўзга яққол ташланади.

Сармишсой расмларида ёввойи ҳайвонларни ов итлари билан овлаш, ҳайвонларнинг ўзаро уруши, чорва моллари, рақс тушаётган одамлар, ўқ- ёй, ханжар, қилич, найза тутган, дубулға кийган кишилар ўзига хос тарзда маҳорат билан ҳаётий қилиб тасвирланган. Бу тошларга қараб ҳайратингиз юз чандон ошади. Олов ёқиш учун ўт чиқараётган киши; фаришталардек қўлини осмонга кўтариб қуёшга илтижо қилаётган одам, қўлида қуёшни кўтариб турган малаклар, чоҳга тушишдан кўрқиб орқага тисарилаётган кийиклар. Уярда сардорлик учун курашаётган икки от... Суратлар узок ўтмишдан сўзлайди.

Геологияда «Пиктография» деган атама бор. Бу воқеаларни расмлар билан ифодалашдир. Юқорида айтганимиздек, ҳали ёзишни билмаган аجدодларимиз кўрган-билганларини суратлар орқали ифодалашган. Сармишсой галереясида ибтидоий овчилар дарага сув ичишга келган ёввойи хўкиз, кийик, тоғ эчкиси, муфлон каби ҳайвонларни овлаш, судралиб юрувчилар, чорва моллари ва отларни боқиш каби расмлар кўп тасвирланган. Ҳатто айрим расмларда шер, йўлбарс, айиқ тасвирланганига нима дейсиз? Бу расмлар ўша давр табиати, ҳайвонот олаmidан сўзлаб турибди.

Кексаларнинг эслашича, 1930 йилларгача бу ерда аҳоли яшаган. Кўплаб тош уйлар, деворлар қолдиғи ҳозир ҳам сақланиб қолган. Сой бўйида улкан дарахтлар ўсган, сувида тоғ сойларида бўладиган «қорабалик»лар сузган.

1960-61 йилларда бу манзилда инсон таъсири кучайиб, воҳанинг нодир ландшафтига зарар етди. Ҳатто сувенир сифатида қоятошлардаги расмларни синдириб олиш ҳоллари ҳам учради. Қоятошлардаги бу санъат асарларининг

уста «таржимони» вилоят ўлкашунослик музейи директори Р.Эгамов фахр билан шундай дейди: «Мовароуннаҳр тарихида Хоразмда Маъмун академияси, Самарқандда Улуғбек яратган академия бўлса, бизнинг Сармишсой қоятош суратлари академиясидир».

Сармишсой расмлари ибтидоий санъатнинг нодир ёдгорлиги, шу ҳудудда яшаган қадимий халқларнинг ҳаёти, ҳайвонот дунёси ва тарихини ўрганишда катта илмий қим- матга эга эканлигини ҳисобга олиб, 1991 йилда Сармиш давлаг буюртма қўриқхонаси ташкил этилди ва давлат муҳофазасига олинди. Эндиликда бу заминнинг тарихини ўрганиш, Сармишсой ёдгорликларини антропоген, физик ва бошқа салбий таъсирлардан асраш, унинг кадр- қимматини сақлашнинг қонуний асослари яратилмоқда.

Ибтидоий санъатнинг ривожланган босқичи ҳам неолит даврига тўғри келади. Қалтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг ажойиб намуналари топилган. Уларда идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли-туман нақшлар, одам ва ҳайвон суратларини чизиш кенг тарқалган эди. Идишлар сиртида сув рамзини ифода этувчи тўлқинсимон чизиқлар кўзга ташланади. Шу билан бирга лойдан ясашиб, пиширилган аёл ҳайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналаридир.

Ўрта Осиё ибтидоий қоятош расмлари кенг тарқалганлиги, улар мазмунининг бойлиги ва даврининг қадимийлиги жиҳати-дан СССРда фахрли ўринни эгаллайди. Ўрта Осиёдаги Зараутсой, Шахта ғори, Биттик чашма, Сарижоз, Соймали тош, Сармишсой, Биронсой, Суратлисой, Сойхонсой, Тамғали тош, Қоратоғ, Помирдаги қоятош расмлари иттифоқимиздаги энг нодир санъат, обидаларидир.

Шундай қилиб, ибтидоий давр кишилик маданияти тарихининг кейинги ривожини учун улкан пойдевор яратиб қолдирдики бу пойдевор шу даврдан сўнг яшаган авлодлар учун, ҳатто замонамиз учун эса бениҳоя катта аҳамиятга эга эди.

4.4. Манзараларга бой Ўрта Осиё қоятош расмлари

Ўрта Осиё ҳудудида маданий қатламга эга бўлган тош асри ёдгорликларидан ташқари аجدодларимизни турмуш тарзини, маданиятини, санъатини, ҳатто урф-одатларини умуман, биз учун жуда аҳамиятли маълумотлар берувчи яна бир ўзига хос бўлган, ёдгорликларнинг бир тури тоғлардаги силлиқ қояларга айнан ўша аجدодларимизнинг ўзлари томонидан чизиб қолдирган расмлардир.

Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон миқёсида қоятош расмларига эътибор XIX аср охирларида Н.А.Наследов, Н.С.Ликошин, Д.М.Граменицкий, Н.И.Веселовский каби олимлар тадқиқоти билан бошланган бўлсада, лекин том маънода мазкур турдаги ёдгорликларнинг илмий асосда ўрганиш ишлари ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошланади.

Бу изланишлар М.Е.Массон, М.Э.Воронец, Х.А.Алписбаев, Б.В.Лунин, Г.В.Парфёнов, А.А.Формозов каби олимлар фаолияти билан боғлиқ. Қоятош расмлари Қозоғистон ҳудудида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVIII асрдан бошлаб асосан хорижий олимларнинг асарларида учрайди. Қозоғистон ҳудудида чор Россияси ва совет иттифоқи даврида ҳам асосан рус олимлари томонидан ўрганилган. Натижада кўплаб қоятош тасвирлари ҳақида мақолалар ва айрим монографик китоблар чоп этилган. Қоятош расмлари Қирғизистон ҳудудида тоғлик жойлар кўп бўлгани учун у ерларда жуда кўплаб қоятош расмлари топилган. Қирғизистондаги қоятош расмларининг энг ноёб намуналари Сариёз, Самаллитош, Араван, Айирмочтоғ, Суратлисой ва Талос дарёси ҳавзасидаги қатор қоятош ёдгорликлари бўлиб, уларда одам, тоғ эчкиси, архар, буғу, бўри, тулки, тўнғиз, уй ҳайвонларидан ит, от, туя, қорамол, қуроллардан, ўқ-ёй, бумеранг, найза ва бошқа нарсаларнинг тасвирлари намоён этилган. Қирғизистон тоғларидаги қояларда тоғ такаси, буғу, архар ва тўнғизларнинг ов қилиш манзараси жуда мароқли ифодаланган. Қирғизистондаги қоятош

расмларининг энг қадимгиси буқа ҳисобланади. Одамлар тасвири эса бронза даврига, бошқалари мил.авв. I минг йиллик билан белгиланади. Тоҷикистоннинг Зарафшон тизмасидаги Шарқий Помирғача орқа Олой тоғларидан Бадахшонғача бўлган ораликда 120 дан ортиқ жойда қоятош расмлари ҳисобга олинган. Бу қоятош расмлари ишланиш техникаси жихатдан бўёкли ва уриб чўкичлаб ишланган, петроглифларга бўлинади. Тоҷикистондаги қоятош тасвирлар орасида Кунуйбил, Кўртака, Чизиқшахта, Козонқўл, Зарқўл, Яшилқўл, Бозордара, Харгуш, Лангаркишт, Хуф, Камочдара, Жамон, Дарвоз, Робот, Ванқаъла, Вазнаут, Биттик-Чашма, Наматкут ҳамда Зарафшон дарёси ҳавзасидан топилган расмли жойлар мазмун ва манзараларнинг бойлиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади. А.Кабировнинг маълумотларига кўра Тоҷикистоннинг қоя тошларида асосан одам, айиқ, архар, тоғ эчкиси, буғу, ўқ-ёй, барс, буқа тасвирлари ифода этилган. Қояларда ёввойи ҳайвонлардан айиқ, буғу, тоғ эчкиси, архарларнинг овланиши билан боғлиқ бўлган ўзига хос, ажойиб манзаралар юксак маҳорат билан ифодаланган.

Утмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида Ўрта Осиёнинг тоғлик районларида кенг тарқалган қоятош расмлари алоҳида ўринни эгаллайди. Қоятош расмлари ишланиш техникасига кўра икки турли бўлиб, бир хиллари бўёқ билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб, ишқалаш, чизиш усули билан ишланган тасвирлардир.

Ўрта Осиёда ҳар хил рангдаги бўёқ— охра билан ишланган тасвирлар анча кам бўлиб, уриб-ўйиб, ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлар, яъни петроглифлар жуда кенг тарқалган.

Ўлкадаги қадимий тасвирлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ўрта асрнинг машҳур алломаси Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам учрайди. Абу Райҳон Беруний кимаклар мамлакатидаги сирли расмлар устида гапириб, бу тасвирлар маҳаллий аҳолининг диний эътиқоди билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини баён этган.

Аждодларимиз қолдирган энг ажойиб ёдгорликлардан бири ҳисобланган қоятош тасвирлари — кекса давр тарихи ва санъати намуналари кўпдан бери ҳаваскорларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Қоятош расмлари Қозоғистонда ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Д. Мессершмидт, Ф. Страленберг, И. Гмелин, Г. Миллер каби XVII аср машҳур олимларининг асарларида учрайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида В. В. Бартольд, Н. Н. Пантусов, А. М. Никольский, Г. В. Фишер, В. Позднеев, В. А. Калла-ур, М. А. Кирхгоф, И. Пословский ва бошқалар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўпгина жойларидан қоятош тасвирларининг янги-янги жойларини топишга муяссар бўлганлар. Асримиз бошларида эса Жанубий Қозоғистоннинг кўп жойларидан қоя-тош расмларининг янги намуналари топилиб, эълон қилинган.

Совет ҳокимияти йилларида бу иш билан В. А. Городцов, С. С. Черников, А. Г. Максимова, Х. А. Олтмишбаев, Т. Н. Сенигова, А. Г. Медоев, П. И. Мариковский, М. К. Қодирбоев, А. Н. Марьяшев каби мутахассис-археологлар бевосита шуғулландилар. Натижада Қозоғистондаги қоятош тасвирлари ҳақида кўпгина мақола ва айрим монографик китоблар чоп этилди.

Қирғизистонда қоятош расмларининг ўрганилиши Б. М. Зимма, М. Э. Воронец, А. Н. Бернштам, Ю. Н. Голендухин, В. М. Гопоненко, Ю. А. Заднепровский, Н. Л. Подольский, Н. Д. Черкасов, Г. А. Памаскина ва бошқаларнинг номи билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қоятош расмларини ўрганиш ишига асосан 30-йиллардан бошланди. Бу соҳада Г. В. Парфёнов, А. П. Окладников, М. Э. Воронец, С. П. Толстов, М. Е. Массой, А. Формозов, Б. В. Лунин, И. Ф. Ломаев, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Г. В. Шацкий, А. Р. Муҳаммаджонов Н. Х. Тошкентбоев, Б. С. Шалатонин, Р. Равшанов, Х. Ботилов, М. Хўжаназаров, О. М. Ростовцев, Ю. Ф. Буряков ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Тожикистонда эса бу иш билан В. А. Ранов, А. В. Гурский, О. Е. Агаханянц, А. Н. Дальский, С. В. Кисляков, А. И. Мендельштам ва бошқалар шуғуланганлар.

Қоятош расмларини ҳисобга олиш ва ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг хизмати жуда каттадир. Чунки бундай ёдгорликлар ўтмишнинг баъзи мураккаб, чигал масалаларини ҳал этишда мутахассислар учун қимматбаҳо манба хизматини ўтайди.

Ўрта Осиёнинг ажралмас қисмини ташкил этган Қирғизистон территорияси тоғлик жой бўлиб, у ерда қоятош расмлари анча кенг тарқалган.

Республикадаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Сариёз, Саймалитош, Аравон, Айримачтоғ, Суратлисой, Охна ва Талас дарёси ҳавзасидаги қатор қоятош ёдгорликлари бўлиб, уларда тоғ эчкиси, архар, буғу, бўри, тулки, тўнғиз, одам, уй ҳайвонларидан ит, от, туя, қорамол, қуроллардан ўқ-ёй, бумеранг, найза ва бошқа кўп нарсаларнинг тасвирлари намоён этилган²⁷.

Айни вақтда қояларда тоғ такаси, буғу, архар, тўнғизларни ов қилиш манзараси жуда мароқли ифодаланган.

Қирғизистондаги қоятош расмларининг энг қадимгиси бўлган буқа, одамлар тасвири бронза даврига, яъни милоддан аввалги II минг йилликка мансуб бўлса, бошқалари милоддан аввалги I минг йиллик билан белгиланади.

Расмларнинг учинчи гуруҳи милодимиз биринчи мингйиллигининг биринчи ярмига ёки I—VIII асрларга, қолган расмлар эса ўрта аср ва замонамизга мансуб бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг ажойиб намуналарига Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Қорачорвоқсой, Кўксарой, Илонсой, Такатош, Бошқизилсой, Тераклисой, Жарсой, Тутлисой, Қоронғиунгурсой,

²⁷ Кабиров А. Ўрта Осиё археологияси. Т. 1999. - Б. 95-96.

Чадаксой, Шўрбулоқсой ва бошқаларни киритиш мумкинки, улар жами 100 дан ортиқроқ жойдан топилган.

Қадимий аجدодлар яратиб қолдирган бу осори-атиқаларни ўз бағрида минг йиллардан буён асраб келаётган маскан Зараут, Зараутсой ва Зарауткамар номлари билан юритилади. Зараут - қишлоқнинг номи, турли булоқ сувларидан йиғилиб пайдо бўлган ва Зараут қишлоғи ичидан оқаётган сойни Зараутсой дейдилар. Олиму мухлисларни лол қолдирган Зараут расмлари чизилган ғорларни маҳаллий тилда камар деб аташади, шундан Зарауткамар номи пайдо бўлган. Зараутсой оқиб-оқиб Қизилолма сойга кўшилади, ана шу икки сой кўшилиб Қорабоғсойга, ундан ўтиб Майдонсойга ва ниҳоят Лойлиқсойга бирлашиб, Туркондарё (Шерободдарё)га қуйилади, у эса йўлини Амударёгача давом эттиради²⁸.

Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари аjoyиб расмларини кўриш мумкин. Улар ибтидоий буқалар ва сизирлар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон ва гепардлар, тулки ва бўрилар, архар ва тоғ эчкилари, буғу ва эликлар, сайғоқ ва жайронлар, жайра ва тошбақалар, балиқ ва илонлар, қулон ва тўнғизлар, хонаки ҳайвонлардан ит ва отлар, эчки ва йирик шохлик қорамоллар, туя ва эшак кабилардир.

Аммо улар орасида одамларнинг ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, ўқдон, дубулға, қопқон, арқон, қалқон, ниқоб каби нарсалар тасвирлари ҳам кўпчилиқни ташкил этади.

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой, манзараси жиҳатдан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, ҳай-вонлар урушаётгани, шер, йўлбарс, барс каби йиртқич ҳайвонларнинг тўқнашуви ифода этилган манзаралар киши диққатини ўзига тортади. Республикамиздаги энг қадимги расмлар Зараутсойда бўлиб, буқа ва эчкиларни овлаш билан боғлиқ манзаралар

²⁸ Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 9-10.

мезолит-неолитнинг милoddан аввалги VIII—IV минг йилликларига мансубдир²⁹.

Ўзбекистондаги петроглифлар — қоятош расмларининг энг қадимгиси милoddан аввалги II минг йилликка алоқадор бўлса, бошқаси VI—II асрларга, яна бир гуруҳи эса ундан кейинги асрларга мансуб бўлиши мумкин. Аммо қадимий расмлар орасида замонавий тасвирлар ҳам учрайди.

Тожикистон асосан тоғлик ўлка. Республиканинг Зарафшон тизмасидан Шарқий Помирғача, Орқа Олой тоғларидан Бадахшонғача бўлган ораликда 120 дан ортиқ жойда қоятош расмлари ҳисобга олинган.

Тожикистондаги қоятош расмлари ҳам ишланиш техникаси жиҳатидан бўёқли ва уриб-ўйиб ишланган петроглифларга бўлинади.

Қозоғистон, Қирғизистон сингари бу ерда ҳам петроглифлар жуда кенг тарқалган. Тасвирларнинг аксарияти Помирнинг ғарбий, марказий ва жанубий қисмида кўпроқ учраб, шарқ ва шимол томонида сийрақроқ тарқалган.

Тожикистондаги қоятош тасвирлари орасида Кукуйбел, Кўртака-Шахта, Қозонкўл, Заркўл, Яшилкўл, Бозор дара, Харгуш, Лангар-кишт, Хуф, Комоч дара, Жамак, Дарвоз, Работ, Ван қалъа, Вазнауд, Биттик чашма, Наматгут ҳамда Зарафшон дарёси ҳавзасидан топилган расмли жойлар мазмун ва манза-раларнинг бойлиги жиҳатидан диққатга сазовордир.

Тожикистоннинг қоя тошларида асосан одам, айиқ, архар, тоғ эчкиси, буғу, ўқ-ёй, барс, буқа, шунингдек уй ҳайвонларидан қорамол, эчки, от ва итнинг тасвирлари ифода этилган. Қояларда ёввойи ҳайвонлар, айиқ, буғу, тоғ эчкиси, архарлари овлaш билан боғлиқ ажойиб манзаралар жуда маҳорат билан ишланган.

Тожикистондаги Биттик чашма ва Кўртака сойининг Шахта ғоридаги бўёқ билан ишланган одам, айиқ, тўнғиз ва бошқалар расмлари Зараутсой

²⁹ Кабиров А. Ўрта Осиё археологияси. Т. 1999. -Б. 99-100

суратлари билан замондош бўлиб, мезолит-неолит даврining милoddан аввалги VIII—IV минг йилликларига мансубдир.

Тожикистондаги қоятош расмлари — петроглифларнинг энг қадимгиси бронза даврига оид бўлиб, милoddан аввалги II минг йилликни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич расмлар эса милoddан аввалги биринчи мингйилликка мансуб бўлиб, улар Сак-скиф типи, деб аталади.

Расмларнинг учинчи гуруҳи эрамиз биринчи минг йиллигининг биринчи ярмига тааллуқлидир. Тўртинчи гуруҳ расмлар VII— XV асрларга, бешинчи гуруҳ расмлар эса XVIII—XX асрларга оид бўлиши мумкин³⁰.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё қоятош расмлари кенг тарқалганлиги, мазмун ва манзараларнинг бойлиги, ишланиш услубининг хилма-хиллиги ва қадимийлиги жиҳатидан илк ўринларни эгаллайди.

Қоятошларга ишланган тасвирлар археологик ёдгорликларнинг бир тури сифатида аجدодларимиз маданияти тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Қоятош расмлари ўрганилар экан, уларнинг мазмуни ва манзаралар маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг хўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг вужудга келиши, унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Айни вақтда расмлар воситаси билан у давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуроллари қандай эканлигини билиб олиш мумкин. Шунингдек қоятош расмлари қадимги ота-боболаримизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда ҳам жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

³⁰ Кабиров А. Ўрта Осиё археологияси. Т. 1999. -Б. 100-103

Шуни назардан қочирмаслик керакки, қоятош расмлари ўзига хос санъат асари ҳамдир, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги кишиларнинг санъати, эстетик истеъдоди қандай бўлганлигини ҳам билиб оламиз.

Айни вақтда қоятош тасвирлари Ўрта Осиёнинг ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда зоолог ва палеозоологларга катта имкониятлар очиб бериши мумкин.

Шундай қилиб, қоятош расмлари ўтмишнинг ўчиб кетган саҳифаларини ўрганишда тарихчи, этнограф, санъатшунос, палеозоолог ва бошқа фан намояндалари учун қимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қоятош ёдгорликларини қидириб топиш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиёдаги моддий ва маданий ёдгорликлар ўзининг қадимийлиги, хилма-хиллиги ва қалин жойланиши жиҳатидан СССРнинг бошқа жойларидан ажралиб туради. Бу ўлкада илк тош асри маконларидан тортиб ўрта асрларгача ва ундан кейинги даврга мансуб ҳамма турдаги бой археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим масалаларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Кишилик жамиятининг илк босқичи бўлган тош асрига оид тош битиклар, манбалар, турли тасвирлар, расмлар ва айни чоғда тошдан ясалган меҳнат қуролларининг дастлабки намуналари одамлар ижодкорлигининг натижасидир. Инсон табиат мўъжизаларини ва унинг сир-асрорларини тасаввур этиш туфайли тирик жонзотларга тақлид этишган, уларнинг қиёфаларини яратишган. Инсон расмлар чизиш орқали табиатдаги нарса ва ҳодисаларга ўз таъсирини ўтказиш ёки ундаги асов ҳолатларни бўйсундиришга ҳаёлан ҳаракат қилган. Ана шу тасаввурлар таъсирида шаклланган ва ўзларининг илк ибтидоий тажрибаларини тўплай бошлаган дастлабки инсонлар мўъжизакор табиатдаги осори-атиқаларнинг расмини чизиш учун табиий тайёр ғорлардан, қоялардан фойдаланганлар. Ана шундай ибтидоий санъатнинг нодир намуналари маданият масканидир.

Олий ўқув юртларининг тарих факультетларида таълим олаётган талабалардан бир қанчаси ўқишни тамомлагач, Ўрта Осиё республикаларида ишлайдилар. Шунинг учун ҳам бўлажак мактаб ўқитувчилари ўз ўлкалари тарихи буйича кенг билимларга эга бўлишлари, моддий ва маданий ёдгорликларни, археологии обидаларни пухта билишлари керак.

Кейинги вақтларда янги ерлар ўзлаштирилиши муносабати билан Ўрта Осиёдаги кўп археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш тобора кескин муаммога айланиб бормоқда. Ўлканинг Зараутсой, Соймалитош, Биронсой, Сармишсой каби қоятош ёдгорликлари бузилиб кетмоқда. Шунинг учун бўлажак тарих ўқитувчилари ёдгорликка «биринчи ёрдам» кўрсата билишлари лозим. Бунинг учун улар аҳоли орасида ёдгорликлар ахамиятини мунтазам равишда тушунтириб боришлари ва зарур бўлганда ёдгорликларни сақлаш ҳақидаги қонунларни татбиқ қила билишлари керак.

Ўрта Осиё ҳудудида маданий қатламга эга бўлган тош асри ёдгорликларидан ташқари аجدодларимизни турмуш тарзини, маданиятини,

санъатини, ҳатто урф-одатларини умуман, биз учун жуда аҳамиятли маълумотлар берувчи яна бир ўзига хос бўлган, ёдгорликларнинг бир тури тоғлардаги силлиқ қояларга айнан ўша аجدодларимизнинг ўзлари томонидан чизиб қолдирган расмлардир.

Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон миқёсида қоятош расмларига эътибор XIX аср охирларида Н.А.Наследов, Н.С.Ликошин, Д.М.Граменицкий, Н.И.Веселовский каби олимлар тадқиқоти билан бошланган бўлсада, лекин том маънода мазкур турдаги ёдгорликларнинг илмий асосда ўрганиш ишлари ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошланади.

Бу изланишлар М.Е Массон, М.Э Воронеж, Х.А Алписбаев, Б.В Лунин, Г.В Парфёнов, А.А. Формозов каби олимлар фаолияти билан боғлиқ. Қоятош расмлари Қозоғистон ҳудудида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVIII асрдан бошлаб асосан хорижий олимларнинг асарларида учрайди. Қозоғистон ҳудудида чор Россияси ва совет иттифоқи даврида ҳам асосан рус олимлари томонидан ўрганилган. Натижада кўплаб қоятош тасвирлари ҳақида мақолалар ва айрим монографик китоблар чоп этилган. Қоятош расмлари Қирғизистон ҳудудида тоғлик жойлар кўп бўлгани учун у ерларда жуда кўплаб қоятош расмлари топилган. Қирғизистондаги қоятош расмларининг энг ноёб намуналари Сариёз, Самаллитош, Араван, Айирмочтоғ, Суратлисой ва Талос дарёси ҳавзасидаги қатор қоятош ёдгорликлари бўлиб, уларда одам, тоғ эчкиси, архар, буғу, бўри, тулки, тўнғиз, уй ҳайвонларидан ит, от, туя, қорамол, қуроллардан, ўк-ёй, бумеранг, найза ва бошқа нарсаларнинг тасвирлари намоён этилган. Қирғизистон тоғларидаги қояларда тоғ такаси, буғу, архар ва тўнғизларнинг ов қилиш манзараси жуда мароқли ифодаланган. Қирғизистондаги қоятош расмларининг энг қадимгиси буқа ҳисобланади. Одамлар тасвири эса бронза даврига, бошқалари мил.авв. I минг йиллик билан белгиланади. Тожикистоннинг Зарафшон тизмасидаги Шарқий Помирғача орқа Олой тоғларидан Бадахшонгача бўлган ораликда 120 дан ортиқ жойда қоятош

расмлари ҳисобга олинган. Бу қоятош расмлари ишланиш техникаси жихатдан бўёкли ва уриб чўкичлаб ишланган, петроглифларга бўлинади. Тожикистондаги қоятош тасвирлар орасида Кунуйбил, Кўртака, Чизиқшахта, Козонкўл, Заркўл, Яшилкўл, Бозордара, Харгуш, Лангаркишт, Хуф, Камочдара, Жамон, Дарвоз, Робот, Ванқаъла, Вазнаут, Биттик-Чашма, Наматкут ҳамда Зарафшон дарёси ҳавзасидан топилган расмли жойлар мазмун ва манзараларнинг бойлиги билан киши диққатини ўзига жалб килади. А.Кабиловнинг маълумотларига кўра Тожикистонинг қоя тошларида асосан одам, айиқ, архар, тоғ эчкиси, буғу, ўқ-ёй, барс, буқа тасвирлари ифода этилган. Қояларда ёввойи ҳайвонлардан айиқ, буғу, тоғ эчкиси, архарларнинг овланиши билан боғлиқ бўлган ўзига хос, ажойиб манзаралар юксак маҳорат билан ифодаланган.

Ўзбекистоннинг тоғлик ҳудудларида мавжуд бўлган қоятош расмларни топиш ва тадқиқ қилишда Я.Ғ.Ғуломов, А.Кабилов, В.А.Оськин М.Хўжаназаров, А.Н.Холматовларнинг хизматлари катта. Ўзбекистонда қоятош расмларининг энг ноёб намуналарига мутахассислар хулосаларига кўра Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Тераклисой, Жарсой, Тутлисой, Қоронғи-унгирсой, Чадансой, Шўрабулоқсой, Карақиясой, Хўжакентсой ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу жойлардаги қоятошларда Ўзбекистонимизнинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот оламини акс эттирувчи ажойиб расмларни кўришимиз мумкин. Уларда ибтидоий буқалар, одамлар, узун қилич, ханжар, ўқ-ёй, ўқдон, дубулға, қопкон, арқон, қалқон, ниқоб каби тасвирлар кўплаб учраши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ҳудудида шу кунгача аниқланган 150 га яқин қоятош суратлари орасида энг қадимгилари Сармишсой ва Зараутсой қоятош тасвирлари ҳисобланади.

Ўз бағрида қадимий суратларни сақлаб келаётган Сармишсой Зарафшон дарёси ўрта оқимининг ўнг томонида ястаниб ётган унча баланд бўлмаган Қоратоғнинг жанубий ёнбағрида, Навоий шаҳридан 40-45км

шимоли-шарқда жойлашган. Сармишсой суратлари ҳақида дастлабки қисқача маълумот 1958 йилда даврий матбуотда эълон қилинган. Кейинги йилларда академик Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳандарё экспедицияси аъзолари А.Р. Муҳаммаджонов, М.Р. Қосимов, Ў.И. Исломов, Н.Х. Тошкенбоев ва бошқалар Сармишсой ҳамда Қоронғиунгурсойда илмий кузатишлар олиб бордилар.

1964 йили Н.Х. Тошкенбоев кузатишларининг дастлабки натижалари ҳақидаги мақоласи эълон қилинган. 1968 йили Санкт-Петербурглик биолог олим В.Танайсичук Сармишсой суратлари ҳақида мақола ёзган. 1966-1967 йилларда А. Кабиров бу ердан 2000 га яқин қоя тош суратларини аниқлайди. Айнан шу соҳада Ўзбекистонда биринчи бўлиб, А. Кабиров «Ўзбекистонда қоятош суратларини ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1969-1970 йилларда Сармишсой суратларини ўрганиш учун махсус илмий гуруҳ тузилди ва Қоратоғнинг Тонготар, Бирон, Гуртут, Қиличлик, Тойтуёк, Корачарвоқ, Умартал, ҳамда Найманчалик сой каби даралардан янги ёдгорликлар топилди. Сармишсой суратлари мазмуни ҳамда ифода этилган манзарали жиҳатидан хилма-хилдир. Бу ерда жами 3500 та тасвир аниқланган бўлиб, 40 турга ажратиш мумкин. Бу суратлар ишланиш услубига кўра схематик, контур тарзда, соя услубида нақшдор безакли ҳамда контур-соя шаклдаги турларга ажралади.

Тош асрида ишланган қоятош суратларини сақлаб қолган ёдгорликларидан яна бири Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой атрофида жойлашган. Зараутсой дараси Кўҳитанг тоғининг шимолий-шарқий этакларида, Термиз шаҳридан 110 км шимоли-ғарбда Шеробод тумани ҳудудида жойлашган. Даранинг ўнг томонида қатор ғорлар ва харсанг тошлардан иборат айвонлар мавжуд бўлиб, уларнинг деворлари ва томларига қизил охра билан кадимий расмлар чизилган. Бу жойдаги тўртта ғорда суратлар аниқланган бўлиб, биринчи ғорда бешта, иккинчисида ўнта ва

учинчисида учта расм топилган. Тўртинчиси бошқаларга нисбатан каттароқ. Бу расмларда ҳўкиз овлаш композицияси акс этирилган.

Зараутсой суратларини биринчи бўлиб ўрганган Г.В. Парфёнов уларни бешта даврга палеолит, мезолит, неолит, бронза ва сўнгги даврларга ажратган. Ушбу суратларни Италия ва Африканинг палеолит даври қоятош суратлари билан ўхшашлигини таъкидлаган.

А.А.Формозов эса Зараутсойнинг энг қадимги расмлари мезолит, неолит, энеолит даврларга ҳослигини таъкидлаган. А.А. Формозов бу расмларни палеолит даври билан саналашга кескин қарши чиқиб, расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан олдин бўлиши мумкин эмас деб оқилона фикрни билдиради. Негаки ўқ-ёй мезолитда овчиликнинг асосий қуроли даражасига кўтарилган. Зараутсой қоятош расмларининг жами 246 та мавжудлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, ҳозирги замон талаби асосида Зараутсой суратларини қайта ўрганиш вақти келди. Негаки ўтказилган энг сўнгги экспедиция XX асрнинг 70 йилларида олиб борилган асосий иш расмлардан шаффоф коғозларда нусха кўчиришдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда эса сезгирли ниҳоятда кучли электрон фото аппаратлар пайдо булди. Ёритгичлар ёрдамида суратларни қайта фото расмларга олиш, илгари номаълум бўлган янги расмларни кашф қилиш имконини беради.

2015 йилда Сурхондарёнинг ибтидоий санъат тарихини ўрганиш бўйича яна бир муҳим янгилик қилинди. Ш.Б. Шайдуллаев ва Ладислав Станчо раҳбарлигидаги Ўзбекистон-Чехия Халқаро археологик экспедицияси Шеробод туманининг тоғли Зарабоғ қишлоғи яқинида 42 та тош суратлар, 2016 йилда эса Ш.Б. Шайдуллаев ва Х. Ойназаровлар яна 72 та тош суратларни аниқлади. Суратлар юмшоқ таркибли қора тошларга чўкичлаб ишланган. Тош, жез, темир, пўлат ёки бошқа хилдаги қаттиқ буюмлар ёрдамида ўйиш, уриб чўкичлаш, чизиш, тирнаш ва ишқалаш натижасида ишланган.

Суратларда Сурхон воҳасининг қадимги ҳайвонот дунёси ифодаланган. Тоғ эчкиси, оҳу, туя, от, ит, чаён, тошбақа каби ҳайвонлар одамлар билан ягона композицияда чизилган. Зарабоғ тош расмларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у Ўзбекистон ҳудудида илк санъат намуналарининг пайдо бўлиши ривожланишини илмий асослайди. Қадимги аҳолининг мифологик ва диний дунёқараши, тасаввури бўйича илмий манба бўлиб хизмат қилади. Зарабоғ тош суратлари даври дастлабки фаразларга кўра сўнгги бронза, илк темир асрларига оид. Бу тарихий маданий ёдгорликни ҳозирги ҳолатидагидек қилиб сақлашни таъминлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бугунги кунда Зарабоғ тош суратлари устида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари давом этмоқда.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё қоятош расмлари кенг тарқалганлиги, мазмун ва манзараларнинг бойлиги, ишланиш услубининг хилма-хиллиги ва қадимийлиги жиҳатидан илк ўринларни эгаллайди.

Қоятошларга ишланган тасвирлар археологик ёдгорликларнинг бир тури сифатида аجدодларимиз маданияти тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Қоятош расмлари ўрганилар экан, уларнинг мазмуни ва манзаралар маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг ҳўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг вужудга келиши, унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Айни вақтда расмлар воситаси билан у давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуроллари қандай эканлигини билиб олиш мумкин. Шунингдек қоятош расмлари қадимги ота-боболаримизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда ҳам жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, қоятош расмлари ўзига хос санъат асари ҳамдир, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги кишиларнинг санъати, эстетик истеъдоди қандай бўлганлигини ҳам билиб оламиз.

Айни вақтда қоятош тасвирлари Ўрта Осиёнинг ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда зоолог ва палеозоологларга катта имкониятлар очиб бериши мумкин.


Шундай қилиб, қоятош расмлари ўтмишнинг ўчиб кетган саҳифаларини ўрганишда тарихчи, этнограф, санъатшунос, палеозоолог ва бошқа фан намояндалари учун қимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қоятош ёдгорликларини қидириб топиш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиёдаги моддий ва маданий ёдгорликлар ўзининг қадимийлиги, хилма-хиллиги ва қалин жойланиши жиҳатидан СССРнинг бошқа жойларидан ажралиб туради. Бу ўлкада илк тош асри маконларидан тортиб ўрта асрларгача ва ундан кейинги даврга мансуб ҳамма турдаги бой археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиё халқлари тарихининг муҳим масалаларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон”, 1993.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т.: Ўзбекистон. 1996. –Б. 17-18.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон”, 2000
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т. “Ўзбекистон”, 2011
6. Алишер Навоий. Ҳамса. Сабъаи сайёр. Т. 1960. –Б. 535.
7. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. -324 б.
8. Турсунов С. Ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. 356 бет.
9. Воеводский М.В. Обзор археологических полевых исследований 1939 года. Вестник древней истории, 1940. № 2.
10. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар. Тошкент, 1976.
11. Кабиров Дж. Древнейшая наскальная живопись Зараутсая. Новосибирск, 1976.
12. Кабиров А. Ўрта Осиё археологияси. Т. 1999.
13. Рогинская А., Зараутсай М.—Л., 1950;
14. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана, Т., 1960;
15. Формозов А. А., Очерки по первобытному искусству, М., 1969.
16. Халқ педагогикаси. «Зараутсой-98» халқаро симпозиумининг маърузалари тўплами. – Тошкент, 1998. – 203 б.
17. Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари. Т. 2003.
18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. С –ҳарфи
19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Х –ҳарфи.
20. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т –ҳарфи.

ИЛОВАЛАР



Зараутсой қоятош расмлари. Ёпинчик ёпинган одамлар тасвири.



Сармишсой суратлари (Навоий в.)



Хўжакент петроглифлари



Бошқизилсой петроглифлари



Чотқол қўриқхонаси петроглифлари



Қорақиясой петроглифлари